

**Мавзу: Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулҳамид
Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик
қарашлари ва уларнинг ёшларга таълим-тарбия
беришдаги ўрни.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

«МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Техника факультети

декани

Г.Базарова

«__» _____ 2013 йил.

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»

“Машинасозлик

технологияси” кафедраси

муdiri

Х. Акбаров

«__» _____ 2013 йил.

“Касб таълими” йўналиши талабаси

МАМАТРАҲИМОВА ДИЛНОЗА СИРОЖИДДИНОВНА

Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-
иқтисодий, педагогик қарашлари ва уларнинг ёшларга таълим-тарбия
беришдаги ўрни
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ИЛМИЙ РАҲБАР: и.ф.н. Р.К. Раҳимов

(ИМЗО)

Андижон - 2013

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
ТЕХНИКА факультети, “МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ”
кафедраси,
“КАСБ ТАЪЛИМИ” йўналиши 1-гуруҳ
«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Машинасозлик
технологияси” кафедраси
мудири
Х. Акбаров

20.12.2012 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Маматрахимова Дилноза

Битирув ишининг мавзуси : Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашлари ва уларнинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги ўрни.

“ 5 ”- сонли “5” декабрь 2012 йил кафедра мажлисида маъқулланган.

Битирув ишни топшириш муддати “25” май 2013 йил.

Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлари: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, А. Чўлпон асарлари, Андижон иқтисодиёт коллежи маълумотлари ҳамда мавзуга оид ўқув ва илмий адабиётлар, Интернет манбалари.

Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқилган масалалар рўйхати)

1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда иқтисодий муносабатларни ҳамда таълим-тарбияни ривожланишида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини ўрни;
2. Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланишнинг амалий жиҳатдан таҳлили;
3. Андижон иқтисодиёт коллежида ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш.

Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади)

1.1. 1-жадвал Фарғона деҳқончилигида пахта экини майдонининг ортиб бориши.

1.1. 2-жадвал Туркистонда пахта экинини ортиб бориши.

1.1. 3-жадвал Россия империяси ва Туркистон бўйича саноатнинг ҳолати.

1.1. 4-жадвал Тошкент шаҳридаги фабрика ва заводлар сони.

1.1. 5-жадвал 1890-1913 йилларда Туркистоннинг хунармандчилик-тўқувчилик ишлаб чиқариши ҳолати.

1.1. 6-жадвал 1915 йилгача Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган саноат корхоналарининг сони.

2.1. 1-чизма. Андижон иқтисодиёт коллежи бошқарув структураси.

3.1. 1-расм. Интерфаол усуллар.

Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1	Кириш	и.ф.н. Раҳимов Р.	25.12.2012.	07.01.2013.
2	XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда иқтисодий муносабатларни ҳамда таълим-тарбияни ривожланишида Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини ўрни.	и.ф.н. Раҳимов Р.	08.01.2013.	05.02.2013.
3	Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланишнинг амалий жиҳатдан таҳлили.	и.ф.н. Раҳимов Р. п.ф.н. Хайдарова Х.	06.02.2013.	13.03.2013.
4	Андижон иқтисодиёт коллежида ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш.	и.ф.н. Раҳимов Р.	14.03.2013.	08.04.2013.
5	Хулоса	и.ф.н. Раҳимов Р.	09.04.2013.	20.04.2013.

Битирув ишини бажариш режаси

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги иқтисодиёт ва таълим-тарбиянинг ривожланиш ҳолати	24.01.2013.	
2	Абдулҳамид Чўлпон маърифатида миллий иқтисодиёт ва таълим-тарбияни ривожлантириш масалалари	05.02.2013.	
3	Андижон иқтисодиёт коллежининг ташкилий-педагогик фаолияти таснифи.	16.02.2013.	
4	Коллеж тарбия ишларини ташкиллаштиришда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларининг тадбиқ этилиши	28.02.2013.	
5	Гуманитар ва ижтимоий- иқтисодий фанларни ўқитишда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.	13.03.2013.	
6	Таълим-тарбия жараёнида А.Чўлпонни ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини тадбиқ этишда интерфаол усуллардан фойдаланиш.	26.03.2013.	
7	Коллежда ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.	08.04.2013.	

Битирув иши раҳбари:

и.ф.н. Р.К. Раҳимов

_____ (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим :

Маматраҳимова Дилноза

_____ (имзо)

Топшириқ берилган сана: “_24_” __12__ 2012й.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	7-13
1-БОБ. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда иқтисодий муносабатларни ҳамда таълим-тарбияни ривожланишида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини ўрни.....	14-36
1.1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги иқтисодиёт ва таълим-тарбиянинг ривожланиш ҳолати.....	14-32
1.2. Абдулхамид Чўлпон маърифатида миллий иқтисодиёт ва таълим-тарбияни ривожлантириш масалалари.....	33-36
2-БОБ. Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланишнинг амалий жиҳатдан таҳлили.....	37-58
2.1. Андижон иқтисодиёт коллежининг ташкилий-педагогик фаолияти таснифи.....	37-44
2.2. Коллеж тарбия ишларини ташкиллаштиришда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларининг тадбиқ этилиши.....	45-50
2.3. Гуманитар ва ижтимоий- иқтисодий фанларни ўқитишда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	51-58
3-БОБ. Андижон иқтисодиёт коллежида ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш.....	59-79
3.1. Таълим-тарбия жараёнида А.Чўлпонни ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини тадбиқ этишда интерфаол усуллардан фойдаланиш.....	59-71
3.2. Коллежда ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.	72-79
Хулоса ва таклифлар.....	80-82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	83-88
Иловалар.....	89

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз кенг камровли, ўзгаришларга бой, тарихий ва яратувчанлик даврини бошидан кечирмоқда. Бу давр иқтисодий муносабатлар тизимига, кўп укладли иқтисодиётга асосланган, мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш даври деб ҳаққоний баҳоланмоқда. Бозор муносабатларини такомиллаштириш зарурияти тамомила янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришни ғоят долзарб вазифага айлантириб қўйди. Шунинг учун Президентимиз И.А. Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарида бу масалани иқтисодиётни ислох қилиш соҳасида стратегик мақсадлардан бири деб таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: “Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш керак”.¹

Янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришда ўзбек халқига ўрганиш учун арзигулик илмий асослар мавжуд. Яъни, жадидларнинг илмий меросидан миллий истиқлолни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни раванқ топтириш, халқимизнинг янги жамият қуриш йўлидаги вазифаларини амалга ошириш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда йўриқнома сифатида фойдаланиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида фидойи жадидларимиз ҳаёти биз учун ўрнак, ёшларни истиқлол, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгаллиги, уларнинг босиб ўтган кураш йўлини ўрганиш бугунги тараққиётимиз учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилишига эътиборни қаратиб, "...чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.–Т.:Ўзбекистон,1995. – Б.18.

маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-халоватидан кечиб, эл - улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди",² -деб ёзади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида борар экан, Юртбошимиз Ислон Каримов томонидан олға сурилган баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакатимиз халқини, айниқса ёшларни миллий истиқлол ғояси тамойиллари асосида тарбиялаш ва юксак маънавият руҳида шакллантиришда жадиличлик ҳаракатининг асосий намоёндаларидан бири Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий ва педагогик ғояларининг ўрни бекиёсдир. Абдулҳамид Чўлпон жаҳон цивилизациясида катта роль ўйнаган Туркистондек улкан тарихий бир маконда, кўп асрлар давом этиб келган ҳаётнинг Шарқона тарзини сақлаган ҳолда, уни Европа тараққиёти натижалари билан бойитишни кўзлаган фикрларни илгари сурган эди. Шунингдек, у XX аср бошидан янгича яшамокни вужудга келтириш усулларини излади ва истибдод шароитида ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлида курашга киришиши кераклигини уқтирган эди. Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашлари бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия беришда, айниқса уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун мазкур Битирув малакавий иши ана шундай долзарб муаммонинг муайян ечимини топишга қаратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абдулҳамид Чўлпон фаолиятига бағишланган адабиётшунос, ҳуқуқшунос, тарихчи ва педагог олимларнинг қатор илмий ишлари мавжуд. Абдулҳамид Чўлпон фаолиятининг моҳиятини очиб беришда адабиётшунос олимларимиздан

² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б. 49.

О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, Ш.Ризаев, А.Алиев, Д.Қуронов ва бошқаларнинг³ илмий тадқиқотлари муҳим ўрин тутди.

Абдулҳамид Чўлпон фаолиятининг тарихини ёритиб беришда ҳуқуқшунос ва тарихчи олимларимиз ҳам талайгина ишлар қилганлар. Бу ўринда С.Аъзамхўжаев, Д.Алимова, Р.Абдуллаев, Ҳ.Зиёев, Р.Шамсуддинов, Ҳ.Узоқов, С.Холбоев ва бошқалар⁴ жиддий изланишлар олиб борганликларини алоҳида қайд этмоқ лозим.

Абдулҳамид Чўлпон фаолиятини ўрганишда хорижлик олимлар томонидан чет элларда яратилган асарлар, эсдаликлар, мақолалар ҳам катта ўрин тутди. Уларнинг баъзилари бугунги кунда юртимизда ҳам чоп этилди.⁵ Бу манбалар тарихий воқеликни акс эттиришда сиёсий тазйиқларсиз, мафкуравийлаштиришдан ҳоли ҳолда ёзилгани билан ҳам қадрлидир.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, шу вақтга қадар Абдулҳамид Чўлпон фаолияти ҳақидаги илмий-тадқиқотлар аксарият ҳолларда адабиётшунослар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар қаламига мансуб бўлиб, уларда Абдулҳамид Чўлпон фаолиятининг фақат маданий, маърифий, ижтимоий, сиёсий томонлари таҳлил қилинган. Унинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашлари ва уларнинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги ўрни илмий асосда ўрганилган бирон бир жиддий тадқиқот мавжуд эмас. А. Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларининг янгиланаётган иқтисодий тафаккур ва дунёқарашга таъсири, уларнинг

³ Шарафиддинов О. Истиклол фидойилари. –Т.:Шарқ, 1993. 144 б.; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.:Маънавият, 2002. 400 б.; Ризаев Ш. Жадид драмаси.–Т.:Шарқ, 1997.320 б.; Алиев А. Истиклол ва адабий мерос. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 272 б.; Қуронов Д.Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.:Ўқитувчи, 1997. 80 б.

⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий–демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси –Т.: Маънавият, 2000. 168 б.; Алимова Д. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т.: 1996.-7 июнь.; Абдуллаев Р. Миллий –сиёсий ғоялар тарихидан // Инсон ва сиёсат. –Т.: 1991.- № 9. – Б. 87-94.; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш:(XVIII-XX аср бошлари) –Т.: Шарқ, 1998. - 480 б.; Шамсуддинов Р. Жадидчилик ҳақиқат ва уйдирма // Мулоқот.–Т.: 1991. - № 11.-Б. 19-20.; Узоқов Ҳ. Матбуот ва миллий истиқлол // Халқ таълими. –Т.: 1995. - № 5-6. – Б. 1-12.; Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, таҳлили) –Т.: Фан, 2008. 180 б.

⁵ Исмоил Шайх ўғли Ш. Я. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари. – Истамбул: 1984. – Б. 173 (араб алифбосида) Prof. Dr.Tohir Gagatay. Kizil imperualizm. III. –Ankara: Ayyildiz matbaasi, 1967.-80 p; Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Т. : Маънавият, 2001. – Б. 72; Валидий (Тўғон) А.З.Хотиралар // Шарқ юлдузи. –Т.: 1993. - № 7-8-9. – Б. 164-178. ; Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёти ва санъат нашриёти, 1992. - Б. 80.

миллий иқтисодиёт, таълим-тарбиянинг ривожланишидаги концептуал назарий масалалар ечимидаги ўрни каби долзарб муаммоларнинг кам ўрганилганлиги ушбу мавзунини ижтимоий-иқтисодий, педагогик тадқиқотлар ва изланишлар соҳасида янги йўналиш сифатида тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Битирув малакавий иши Андижон машинасозлик институтининг “Машинасозлик технологияси” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади: Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашлари ва уларнинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги ўрнини аниқлаш, уларга оид илмий хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишда, куйидаги вазифалар белгиланди:

- XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги иқтисодиёт ва таълим-тарбиянинг ривожланиш ҳолатини аниқлаш;
- Абдулхамид Чўлпон маърифатида миллий иқтисодиёт ва таълим-тарбияни ривожлантириш масалаларини асослаш;
- Андижон иқтисодиёт коллежининг ташкилий-педагогик фаолияти таснифини баён қилиш;
- Коллеж тарбия ишларини ташкиллаштиришда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларининг тадбиқ этилишини ёритиш;
- Гуманитар ва ижтимоий- иқтисодий фанларни ўқитишда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

- Таълим-тарбия жараёнида А.Чўлпонни ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини тадбиқ этишда интерфаол усуллардан фойдаланишни ёритиб бериш;

- Коллежда ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўлларини баён қилиш.

Тадқиқот объекти: Андижон иқтисодиёт коллежи.

Тадқиқотнинг предмети Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашлари ва уларнинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги ўрнини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик, мантиқийлик, илмий абстракция, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил каби усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги иқтисодиёт ва таълим-тарбиянинг ривожланиш ҳолати ўрганилди;

- Абдулҳамид Чўлпон маърифатида миллий иқтисодиёт ва таълим-тарбияни ривожлантириш масалалари очиқ берилди;

- Андижон иқтисодиёт коллежининг ташкилий-педагогик фаолияти таснифи баён қилинди;

- Коллеж тарбия ишларини ташкиллаштиришда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларининг тадбиқ этилиши ёритиб берилди;

- Гуманитар ва ижтимоий- иқтисодий фанларни ўқитишда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинди;

- Таълим-тарбия жараёнида А.Чўлпонни ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини тадбиқ этишда интерфаол усуллардан фойдаланиш ёритиб берилди;

- Коллежда ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари баён қилинди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Битирув малакавий иши натижаларидаги илмий янгиликлар қуйидагиларда ўз аксини топган:

- XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги иқтисодиёт ва таълим-тарбиянинг ривожланиш ҳолати таҳлил қилинган ва ўша даврда мавжуд бўлган муаммолар ўрганилган;

- Абдулҳамид Чўлпон маърифатида миллий иқтисодиёт ва таълим-тарбияни ривожлантириш масалалари очиб берилган;

- Андижон иқтисодиёт коллежининг ташкилий-педагогик фаолияти таснифи баён қилинган;

- Коллеж тарбия ишларини ташкиллаштиришда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларининг тадбиқ этилиши ёритиб берилган;

- Гуманитар ва ижтимоий- иқтисодий фанларни ўқитишда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган ва уларнинг бугунги кундаги долзарблиги кўрсатилган;

- Таълим-тарбия жараёнида А.Чўлпонни ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини тадбиқ этишда интерфаол усуллардан фойдаланиш ёритиб берилган;

- Коллежда ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари баён қилинган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий иши натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий иши натижасида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифларнинг аҳамияти мамлакатимизда иқтисодиёт ва таълим-тарбияни ривожлантириш муаммоларини чуқур таҳлил этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида қўлланилиши билан белгиланади. Битирув малакавий иши материалларидан олий ўқув юртлири ва касб-хунар

коллежларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Тадбиркорлик ва кичик бизнес асослари”, “Иқтисодий тарбия назарияси”, “Педагогика”, “Касб таълими услубиёти” ва “Замонавий иқтисодий таълимотлар” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг синовдан ўтиши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий ғоялар ва амалий натижалар муаллиф томонидан амалиёт даврида Андижон иқтисодиёт коллежида иқтисодиёт ва педагогика фанларини ўқитишда фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш қисми, учта боб, параграфлар, хулоса ва таклифлар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб бет.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объектнинг услуб ва услубиёти, илмий янгилиги, илмий – амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган.

Биринчи боб икки қисмдан иборат бўлиб, XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда иқтисодий муносабатларни ҳамда таълим-тарбияни ривожланишида Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини ўрни ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг **иккинчи бобида** Андижон иқтисодиёт коллежида Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланиш амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Учинчи бобда Андижон иқтисодиёт коллежида ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари баён этилган.

Хулоса қисмида ушбу битирув малакавий иш доирасида Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашлари ва уларнинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги ўрнини такомиллаштириш бўйича назарий билимлар, амалий таҳлиллар ва ишланмалар умумлаштирилган.

I БОБ. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда иқтисодий муносабатларни ҳамда таълим-тарбияни ривожланишида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини ўрни.

1.1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги иқтисодиёт ва таълим-тарбиянинг ривожланиш ҳолати.

XIX асрнинг иккинчи чораги охирига келиб, Россия халқ хўжалигида жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Мамлакат саноати, аввало тез ривожланиб бориб, ички бозорнинг тор доираларида сиқилиб қолди, ип-газлама саноати ўз маҳсулотларини сотиш ҳамда хом-ашё сотиб олиш учун янги ташқи бозорларга тобора муҳтож бўла бошлади. Натижада, рус саноатчилари орасида Ўрта Осиё хонликларини ҳарбий куч орқали забт этиш тарафдорлари кўпая борди.

Оренбург генерал–губернатори Кружановский 1858 йилда рус подшосига ёзган доклад (билдиришнома, ёзма ахборот)ида “токи бу ўлкалар бизнинг ҳукмронлигимизга бўйсундирилиб, у ерларда ҳар бир сўзимиз қонун даражасига кўтарилмас экан, Ўрта Осиёда рус савдосининг кенгайиши мумкин эмас”, - деб ёзган ва бу докладга Александр II “Мен фикрларига тўла кўшиламан” – дея резолюция кўйган эди.⁶

Бу мақсадни амалга ошириш учун чор ҳукумати Ўрта Осиёдаги вазиятни ҳар томонлама текшириб, ўрганиб турди, дипломатик ва иқтисодий йўллар билан ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилди ва айна пайтда ўзбек хонликларига қарши кенг ҳарбий-сиёсий хужумга тайёрлана бошлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси босқинчилик сиёсатининг энг асосий объектлари Ўрта Осиёдаги Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари бўлди. Уларнинг ўз холича мустақиллиги, ўзаро ҳамжихатликнинг йўқлиги, аксинча, минтақада биринчиликни қўлга киритиш учун авж олган ички курашидан фойдаланган Россия бирин-кетин уларни ўзига бўйсундирди.

⁶ Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией 40-60 е годы XIX в. - М.: Издательство АН СССР, 1963. – С. 45.

XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиёни зўравонлик билан забт этган Россия империясини бу ўлканинг моддий бойликлари, қўлай иқлим шароити ва жуғрофий жойлашуви, Шарққа дарвоза бўлиб хизмат қилиши каби катта имкониятлари ўзига жалб этган эди.

Рус харбий маъмурлари асосан саноатчилар, савдогарлар манфаати нуқтаи назардан сиёсат юритар эдилар. Фикримизча, улар ана шу сабаблар боис хом-ашё ҳамда саноат маҳсулотларини ташиш ва ташиб келтиришга асос бўладиган транспорт, алоқа тармоқларини яхшилашга уриндилар. Асосий эътибор, энг аввало темир йўл қурилишига қаратилди, чунки ўша давр тадқиқотчиси М.П.Федоров таъкидлаганидек, “Туркистонни тинч маданий йўл билан бўйсундиришда хазинадан сарф бўлган миллионлар ортиғи билан қайтишини мустамлакачилар жуда яхши билардилар”.⁷ Шу сабабли улар Туркистоннинг моддий бойликларини батамом эгаллаб олиш ва ундан энг юқори даражада фойдаланиш учун маблағларни аямадилар. Энг аввало, Туркистонни Россия билан боғловчи темир йўл қуришга киришилди. 1880 йили Каспий денгизи (ҳозирги Туркистон шаҳри) дан бошланган Ўрта Осиё темир йўли ўлка ичкарисига жадал суратда кириб борди. Темир йўл қурилишидан мақсад ўлкада стратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олишидан ташқари, етиштирилган моддий бойликларни мунтазам суратда ташиб кетишидан иборат эди.

Маълумки, турли манфаатлар юзасидан Ғарб билан тўқнаш келган Ўрта Осиё давлатларининг иқтисодий, технологик жиҳатдан анча орқада қолиб кетганлиги маълум бўлди. Айнан ана шундай ва бошқа объектив сабабларга кўра Соҳибқирон Амир Темур авлодлари макон топган улкан сарҳад қудратли салтанатлар, Россия империяси мустамлакасига айланди. Чор ҳукумати Туркистонда ўз ҳукумронлигини ўрнатиш жараёнида ва айниқса, ўрнатилгандан сўнг аёвсиз талончилик сиёсатини олиб борди. Туркистон ҳалқларининг асрлар давомида ҳалол меҳнат билан яратиб келган моддий ва маданий бойликларини талаб, зўрлик билан тортиб олди. Ана шу

⁷ Федоров М.П. Хлопководство в Средней Азии. Санкт-Петербург 1898. – С. 215.

моддий бойликлар эгаси ва яратувчиси бўлган халқни эса тутқунликда, кашшоқликда ҳуқуқсизликда сақлаб, уларнинг нафақат миллий, сиёсий, балки энг оддий инсоний ҳуқуқларини ҳам топтади.

Ўлкада солиқлар миқдори тинимсиз ошиб борди. 1889 йилдан 1896 йилгача мустамлака маъмурияти солиқларни 40 фоизга оширди. Генерал – губернатор императорга 1895-1897 йиллар бўйича берган ҳисоботида солиқларни янада кўпайтириб, ўлкадан олинадиган даромадни ошириш учун аҳолидан янги ҳарбий солиқ ундиришни таклиф қилди. “Ерли аҳоли рус ҳарбий кучи паноҳида барча рус фуқаролари ҳуқуқларидан тенг фойдаланган ҳолда ўз фаровонлигини оширмоқда, – деган эди генерал-губернатор, – шу билан бирга у ҳеч қандай асосиз рус фуқаролиги берадиган катта имтиёзлардан ҳам фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам бундай солиқнинг жорий этилиши халққа оғир ботмаган ҳолда давлат хазинасига йилига ярим миллион рубль даромад келтиради”.⁸

Чор Россияси ўлкамизни босиб олгандан сўнг ўзининг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида суғориладиган ер майдонларини кенгайтира бошлади. Чунки АҚШда (1861-1865) фуқаролар урушининг бошланиши билан Шимолий Америкадан келтириладиган пахта хом-ашёси қисқариб кетди. Натижада, Россия корхоналарида хом-ашё муаммоси пайдо бўлди ва ишсизлар сони ортди. Шунинг учун ҳам чор ҳукумати асосий эътиборни Ўрта Осиёда пахта етиштиришга қарата бошлади.

Маълумки, маҳаллий пахта навлари сифати ва толасининг узунлиги жиҳатидан ҳунармандчилик саноатига мослашган эди. Шу боис, у рус туқимачилик саноати эҳтиёжини тўла қондира олмади. Мустамлакачилар буни ҳисобга олиб, ўлкада Америка пахта навларини иқлимлаштиришга қаратилган чораларни изчиллик билан кўрдилар. Чунончи, Америкадан уруғлик пахта чигитлари келтирилиб, махсус тажриба станция ва плантацияларда экилди.

⁸ ЎзРМДА, 1 – жамғарма, 5 – рўйхат, 939 – иш, 13 – варак.

Ўлкада Америка пахта навларини экиш йил сайин кенг қулоч ёйиб бораверди. Натижада пахтачилик тобора ривожланиб, “пахта васвасаси” (“хлопковая лихорадка”) бутун ўлкани чулғаб олди. Ҳатто мўмай даромад илинжида рус ҳарбий хизматчилари, саноат вакиллари, қўйинки кимни маблағи бўлса, ўша ўзини пахтага урди.

Пахта етиштиришни товар сифатида йўлга қўйилиши бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини, биринчи навбатда дончилик экинларини суғориладиган ерлардан жадал сиқиб чиқара бошлади. Буни Фарғона худуди мисолида яққол кўриш мумкин.

1-жадвал.

Фарғона деҳқончилигида пахта экинни майдонининг ортиб бориши.⁹ (% ҳисобида)

Қишлоқ хўжалиги экинлари	1885 й.	1905 й.	1915 й.
Пахта	14	17	44
Дон	26	47	27
Жўхори	22	16	11
Шоли	16	8	7
Беда	15	8	8
Бошқа экинлар	7	4	3
Жами	100	100	100

Фарғона худудидида экиладиган майдонлар 30 йил ичида 3 баробардан зиёдроқ кўпайди, териб олинган пахта 1200 минг пуд (1 пуд=16 кг)дан 9277 минг пудга етди.¹⁰ Бу Туркистон бўйича териб олинган пахтанинг 60 % ни ташкил этар эди.

Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан бозорда пахтага талабнинг юқорилиги туфайли Фарғона худудининг аҳоли зич яшайдиган худудлари пахтачиликка ихтисослаша бошладилар. Масалан, Андижон, Марғилон, Қўқон ва Наманган уездларида барча суғориладиган ерларнинг 26,9 % дан 39 % гача пахта майдонлари ташкил этган.¹¹ 1914 йилга келиб бу кўрсаткич янада ўсди. А.П.Демидов маълумотларига кўра 1914 йили Фарғона

⁹ Валиев А.Х. Положения деҳканства Ферғаны в конце XIX – начале XX веков. – Т.: Госиздат УзССР. 1958. – С. 27.

¹⁰ Масальские В.И. Богатства России – хлопок. – Санкт Петербург. 1921. – С. 7.

¹¹ Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Приложение к отчету. Санкт-Петербург. 1911. – С. 64.

вилоятининг пахтачилик уездидаги 86 волостдан 54 таси ерларининг 50 % дан зиёди пахта экишган. Шулардан 8 таси барча ерларга (қарийб 100 %), 10 таси $\frac{4}{5}$ қисмига, 16 таси $\frac{3}{4}$ қисмига қолган 20 та волост эса ерларининг 50 % га пахта экишган. Касбийолди ҳудудларида ҳам пахтага эътибор кучайган. Масалан, Марв уездида барча экинларнинг 25,8 % ни, Ашгабад уездида 14,3 % ни пахта ташкил қилган.¹²

Пахта майдонлари ҳудудларда ҳам тобора кўпайиб борди. Масалан, 1888 йилдан 1913 йилгача ўтган 25 йил ичида пахта майдони Самарқанднинг экин экиладиган майдонларида 7980 десятина (юза ўлчов бирлиги, 1Д=1,0925 гектар)дан 31858 десятинага (ёки 298 %), Сирдарёда 25841 десятинадан 62691 десятинага (ёки 139 %) кўпайди.¹³

Пахтачилик қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан кўп меҳнат ва ортиқча ҳаражат талаб қилса-да, бошқа экинларга нисбатан кўпроқ фойда келтирган. Натижада, пахта экишга эътибор кучайган. Бу қуйидаги жадвалдан ҳам кўринади.

2-жадвал.

Туркистонда пахта экинини ортиб бориши¹⁴

Йиллар	Пахта майдони (десятина ҳисобида)	Олинган пахта (пуд ҳисобида)
1887	61300	10000
1893	136300	-
1895	-	3273300
1899	300000	5757900
1903	-	7000000
1907	-	8227000
1908	-	10870000
1910	380000	13588000
1911	425200	12997000
1912	430000	14000000

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўлкада чоризмнинг ярим асрлик ҳукмронлик даврида бу ерда пахта майдони 7 марта, пахта ялпи ҳосили 140 марта ортган. Айниқса, 1912 йили пахтакорлар учун серҳосил келган. Шу

¹² Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства и хлопковой торговли и промышленности. Изд. 2-с, Ташкент, 1926. – С. 56.

¹³ Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркистанского района Ч. 1-III – Санкт-Петербург. 1913. – С. 244.

¹⁴ Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – М., 1914. - С. 4.

йили энг юкори кўрсаткичга эришилган, яъни 430000 десятина (юза ўлчов бирлиги, 1 десятина – 1,0925 га) майдонга пахта экилиб, 14 млн. пуд ҳосил олинган.

Бу даврда ўлкадан пахта толаси ташиб кетиш кучайиб, у Россия тўқимачилик саноатида қайта ишланган пахтанинг 40-50 % ни ташкил этган.¹⁵ Бу 138-140 млн. сўмни ташкил қилар эди. Туркистонда чоризм хукмронлиги ўрнатилгандан кейин бу ерга биринчилардан бўлиб кириб келган савдо – саноат буржуазияси, аввало, ўзини қизиқтирган пахтачилик соҳасини ривожлантиришга хар томонлама эътибор берди. Россия монополистик капитализми асосий эътиборининг пахтачиликни ривожлантиришга қаратилиши ва ўлкада аста-секин пахта якка хокимлигининг вужудга келиши меҳнаткашлар турмуш шароитини мураккаблаштириб юборди. Пахтачиликка ихтисослашган вилоятларга дон маҳсулотларини Россиядан ёки бошқа вилоятлардан келтириш мўлжалланган эди. Бироқ, ғалла етарли миқдорда келтирилмаганлиги учун озиқ-овқат танқислиги кучайди. Масалан, К.В.Космачевский маълумотларига кўра, 1913 йили Фарғона худудида 31543,3 минг пуд, Каспийолди худудида 5405,1 минг пуд ғалла етишмаган. Айни вақтда, кўпроқ ғаллачиликка ихтисослашган Сирдарёда 10180,5 минг пуд, Самарқандда 11966,8 минг пуд ошиқча ғалла бўлган.¹⁶ Бу ғалланинг ошиб боришига ва ғалла билан олиб-сотарлик қилишнинг кучайишига олиб келди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ғалла етиштириш ёки уни Россиядан келтириш янада камайиб кетди. Агар 1917 йили Каспийолди худудида 32880 десятина ерга кузги экилган бўлса, 1917 йили бу кўрсаткич 26240 десятинага тушиб қолди, арпа ҳам шунга мос равишда – 15954 ва 10341 десятинали ташкил қилди.¹⁷ Бутун Туркистон бўйича аҳвол шундай эди. 1915 йили

¹⁵ Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана – М., 1926. – С.84.

¹⁶ Космачевский К.В. Организация хлопководческого хозяйств на орошаемых землях Туркестана. – М., 1922. – С. 71.

¹⁷ Куприкова Е.Н. Союз русского рабочего класса и туркменского трудового дехканства в период Великой Октябрьской социалистической революции и гражданской войны (1917-1920 гг.). – Ашхабад, 1960. - С.13.

ўлкада 12 млн. пуд, 1917 йили эса 58 млн. пуд ғалла етишмаган.¹⁸ Пахта билан ғалла етиштиришда вужудга келтирилган сунъий номутаносиблик туфайли, уруш йилларида ғалланинг баҳоси кескин ошиб кетди. Масалан, бир пуд пахтанинг нархи 8,5 сўм бўлгани ҳолда, бир пуд буғдойнинг нархи 7 сўм ва ҳатто, ундан ҳам ошди. Ўлкада пахтага нисбатан шоли ҳам сердаромад соҳага айланиб қолди. Шунинг учун ҳам айрим деҳқонлар кўпроқ сув сероб бўлган ерларда шоли экишга ҳам ҳаракат қилишган. Масалан, 1901 йили Фарғона вилоятида 54,8 минг, Самарқанд вилоятида 43,5 минг (барча экин майдорларининг 12 %), Сирдарё вилоятида – 84,2 минг десятина ерига шоли экилган. Шахназаров ҳисобига кўра бир десятина ерга экилган шолидан 42 сўм 80 тийингача даромад олинган.¹⁹ Бироқ, шоли кўп сув талаб қилувчи экин бўлганлиги учун Туркистонда уни экиш имконияти чекланган эди.

Ўлканинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослаштириш жараёнининг кучайиши уларнинг Россияга қарамлигини ошириб борди. Бозор иқтисодиёти туфайли узумчилик, боғдорчилик, ипакчилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланувчи хўжаликлар ҳам товар – пул муносабатларига тортилдилар. Айниқса, Самарқандда узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар тобора кўпайиб борди. Унинг ҳудудида 1906 йили узумзорлар 6167 десятинали, Сирдарёда эса қарийб 3000 десятинали ташкил этган.²⁰ Узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг характерли хусусияти шундаки, бу соҳа билан кўпроқ йирик ер эгалари эмас, балки кам ерли хўжаликлар шуғулланишган. Бунинг сабаби, камбағал деҳқонларнинг ҳам товар-пул муносабатларига тортилиши, пулга муҳтожлик туфайли бозорбоп маҳсулотлар етиштиришга ҳаракат қилишларида эди. Масалан, биргина Махалла волостида ўртача оила ўз хўжалигидан чиққан маҳсулотни сотиб 53 сўм 46 тийин даромад қилган. Шундан 39 сўм 82 тийинини ёки 74,5 % ни

¹⁸ Космочевский К.В. Организация хлопководческий хозяйств на орошаемых землях Туркестана. – М., 1922. – С. 84.

¹⁹ Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркистанском крае – СПб, 1908. – С.206.

²⁰ Гулишамбаров С. Пловодство в мировом хозяйстве и участие в нем Росси вообще и Туркестана в частности. – Ташкент, 1912. – С. 33.

узим ёки майиздан олган. Шундай қилиб, камбағал оиланинг узумдан қилган даромади қишлоқ хўжалигидан қилган йиллик даромадининг 75-78 % ни ташкил этган.²¹ Бу узумчиликнинг бошқа соҳаларга нисбатан фойдалироқ эканлигини кўрсатади. Туркистонда етиштирилган узумнинг катта қисми сотиш учун четга олиб кетилган. Агар 1906 йили 22615,20 пуд узум олиб кетилган бўлса, 1907 йили у 59612,10 пудга етган, яъни бир йилда 2,6 баробар ўсган. Биринчи жаҳон уруши арафасида 42165720 сўмлик узум тайёрланган. Бу ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 8,49 % ни ташкил этган.²²

Ўлканинг айрим ҳудудларида мевачилик ҳам анча ривожланган бўлиб, Ўрта Осиё темир йўли маълумотларига кўра, 1890 йили 39 минг пуд курук мева ташиб кетилган бўлса, 1914 йили у 474397 минг пудга етган.²³ Ўтган 24 йил ичида курук мева ташиб кетиш 17 баробардан зиёдроқ ошган. Мева етиштиришнинг характерли хусусияти шундаки, саноат усулидаги боғдорчилик билан Россия савдо фирмалари ҳам шуғулланишган. В.Алексеев, Тремле, Плесне, Кручков ва бошқа савдо уйларининг Туркистонда йирик мевачилик хўжаликлари бўлган. Кручков савдо уйи Москвада мева билан савдо қилган. 1912 йили Тремле боғининг ҳар десятинаси 2100 сўмдан даромад келтирган. В.Алексеев фирмасининг боғлари 400 десятинани ташкил этиб, ҳар десятинадан 1500 сўм соф фойда олинган. Бу ўлка боғдорчилиги Россия монополистик капитализми билан боғланиб, унда товар-пул муомалалари кучайиб борганлигини кўрсатади.

Туркистоннинг иқтисодий ҳаётида ипакчилик алоҳида ўрин тутган. Фарғона ҳудуди ипак тайёрлашда ҳам етакчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, Самарқанд, Сирдарё ва қисман Каспийолди ҳудудлари аҳолиси ҳам ипакчилик билан шуғулланишган. Тайёрланган ипакнинг бир қисми маҳаллий бозорларда, қолгани ташқи бозорларда сотилган. Ташқи

²¹ Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Приложение к отчёту. Санкт-Петербург., 1911. ч I. отд. II. – С. 13.

²² Материалы по районированию Туркистана. Вып. II. – Ташкент, 1924. – С.148.

²³ Немченко М.А. Динамика Туркестанского крестьянского хозяйства, - Полторацк (Ашхабад), 1926. – С.14.

бозорларда ипакка талаб йилдан йилга ошиб борган. Агар 1900 йили темир йўл орқали 25821 пуд ипак ўша давр маълумотларига кўра Туркистон пилласи Россиянинг Германия, Австрия – Венгрия, Италия ва Францияга экспортига етакчи ўрин тутган. Айниқса, французлар Туркистон пилласини катта миқдорда сотиб олишиб Марселга ва умуман Франциянинг жанубига жўнатишган.²⁴

Ўлка қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири чорвачилик бўлиб, бу соҳада тайёрланган маҳсулотларнинг катта қисми бозорларга чиқарилган. Қисқа вақт ичида тери, жун, ичак, ёғ ва бошқалар билан савдо қилувчи савдогарлар пайдо бўлган. Савдо алоқалари кучайиши билан Россиянинг йирик ширкатлари ўлканинг нафақат ўтроқ аҳоли пунктларида, балки чўл жойларида ҳам хом – ашё сотиб олувчи тармоқларни вужудга келтиришган. 1907 йили бундай савдо тармоқлари 320 та бўлиб, уларнинг муомаласида 4 млн. сўм бўлган.²⁵ Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори чорвачилик ҳам империалистик уруш йилларида инқирозга учради. Ўлканинг деярли барча ҳудудларида чорва моллари сони қисқариб кетди. Масалан, Зарафшон округининг Чимбой волостида 1872 йилдаги 13782 бош қорамол ва қўй-эчкидан 1917 йили 10178 бош қолди, ёки 26,2 % га қисқарди. Ҳар 100 оилага ўша вақт мобайнида чорва моллари 2460,7 дан 1072,5 тага тушиб қолди.²⁶ Шундай қилиб империалистик уруш йиллари юз берган иқтисодий инқирозлар ўлка қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳам издан чиқариб юборди. Бироқ, урушгача пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги соҳалари товарлик даражасининг ошиб бориши чорвадор ва деҳқонларнинг асосий қисмини бозорга боғлаб қўйди. Шаҳарлар кенгайиши билан шаҳар атрофида яшовчи аҳоли бозор учун полиз- сабзавотчилик маҳсулотларини етказиб бера бошлади.

²⁴ Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – М., 1914. – С. 46.

²⁵ Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Приложение к отчёту. Санкт-Петербург., 1911. ч I. отд. II. – С. 352-353.

²⁶ Современный кишлак Средней Азии (Социально экономический очерк). Вып IX. – Ташкент, 1927. – С.23.

Ўша давр маълумотларига кўра, Туркистон ўлкасида тошкўмир казиб олиш мунтазам суратда ўсиб борган. Агар, 1885 йили 417 минг пуд кўмир казиб олинган бўлса, 1895 йили у 508 пудга, 1900 йили 607 минг пудга, 1905 йили 2405 минг пудга, 1910 йили 3428 минг пудга етган.²⁷ В.Н. Оглоблин келтирган бу маълумотдан кўринадики 1885 йилдан 1890 йилгача Туркистонда тошкўмир оз миқдорда казиб олинган бўлсада 1900 йилдан кейин бу кўрсаткич кескин кўтарилиб борган. Бунинг асосий сабаби темир йўл тармоқларининг узайиши, саноат корхоналарининг кўпайиб, тошкўмирга бўлган эҳтиёжининг ошиб борганлигида эди.

Октябрь тўнтарилишигача Туркистон ўлкасида ош тузидан бошқа минерал бойликларни казиб олиш сезиларли ривожланмади. Ош тузининг катта захиралари Каспий олди вилоятдан топилган. Масалан, Посъэтовка станцияси яқинидаги кондан ҳар йили 800000 пуд туз казиб олинган. Шунингдек, Жебал, Бола – Эмиш темир йўл станциялари яқинларида ҳам 7 та йирик туз конлари ишга туширилган. Челекен оролидан 20 млн. пудга яқин туз захиралари топилган.²⁸ Булардан ташқари ўлкада бошқа кўпгина маҳаллий майда корхоналар ҳам туз ишлаб чиқариш билан шуғулланган.

1930 йили босилиб чиққан “Динамика российской и советской промышленности” номли китоб бевосита Ўрта Осиё саноатига бағишланган бўлмасада, Россия империяси ва чекка ўлкаларда капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳақида қимматли маълумотлар беради. 1912 йилги маълумотлар саноатнинг аҳволини қуйидагича характерлайди.

3-жадвал.

Россия империяси ва Туркистон бўйича саноатнинг ҳолати²⁹

Саноат ишлаб чиқариш	Заводлар сони	Ишчилар сони	Ишлаб чиқариш қиймати (минг сўм ҳисобида)
Россия империяси бўйича	16636	2042817	5117643,1
Туркистон бўйича	682	-	78505,6
<i>Нефть қазиб олиш</i>			
Империя бўйича	240	38600	200424,0
Туркистон бўйича	17	1300	5404,0

²⁷ Дмитриев А.И. Путеводитель по Туркестану и железным дорогам Среднеазиатской и Ташкентский. Изд. 8-е, Петербург., 1915, - С. 17-19.

²⁸ Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – М., 1914. - С. 31.

²⁹ Динамика российской и советской промышленности. Т.1, - М., 1930. – С. 14-15, 180-181

Жадвалдан кўришиб турибдики, Туркистон ўлкасида нефт казиб олиш нисбати Россия империясиникига анча яқинлашиб қолган. Биринчи жаҳон уруши арафасида Европа банклари ўлка нефть конларини капитал билан таъминлашни чеклаб қўйди. Натижада 1912 йилига нисбатан 1915 йили 315 минг сўмлик кам, яъни 1890 минг сўмлик маҳсулот казиб олинди. Шу давр ичида эса, тошкўмир казиб олиш 2 баробар ўсиб, 1912 йилги 420 минг сўмдан 1915 йили 910 минг сўмга етди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланишига қараб ишчилар сони ҳам ўзгариб борди. 1912 йили тошкўмир саноатида 1007 киши ишлаган бўлса, 1915 йили уларнинг сони 1264 кишига етди, яъни 260 кишига кўпайди. Нефть казиб чиқариш саноатида эса ишчилар сони камайиб 1912 йилги 1300 кишидан 1915 йили 700 кишига тушиб қолди. Нефть саноатидаги тушкунлик Туркистон кончиларининг Боқу нефти билан бўлган рақобатга бардош бера олмаётганлигида эди.

Туркистон кон саноатининг ялпи маҳсулоти 1912 йили 5904 минг сўмни, ишчилар сони 2494 кишини, 1915 йили ялпи маҳсулот 2,8 млн. сўмни унда ишлаган ишчилар сони 2168 кишини ташкил этган. Нефть саноати маҳсулотларининг камайиши ва ишчилар сонининг озайишини кон саноатининг бошқа тармоқларидаги ривожланиш қоплай олмади.

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасининг қазилма бойликлари кўп бўлишига қарамасдан бу соҳа нисбатан секин ривожланди. Чор ҳукумати йирик конларни ўзига садоқатли кишиларга беришга ҳаракат қилди. Асосан аслзодалардан иборат бўлган бундай кишилар кончилик саноатида капиталистик ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўя олмадилар.

XIX аср охирларида ўлкада саноат ишлаб чиқариш асосан аҳолининг маиший эҳтиёжларига ҳизмат кўрсатувчи майда хунармандчиликдан иборат эди. Саноат ибтидоий босқичда эди.

Кўчманчи аҳоли орасида хунармандчилик: кигиз тайёрлаш, уй жихозлари ишлаб чиқариш, оила эҳтиёжи учун тери ва мўйна ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган эди. Бу ерда кигиз (намат) тайёрлаш анча ривож топган, чунки унга талаб ҳамма вақт катта бўлган. Умуман,

Туркистонда бўз, атлас, шойи тўқиш, дўппидўзлик, темирчилик, заргарлик кенг ривож топган. Қандолатчилик, ширмонпазлик, новвойлик ҳам тараққий этган.

Минтақа иктисодиётини ўрганиш учун Тошкентда очилган Ўрта Осиё саноат ва қишлоқ хўжалигига доир биринчи (1886) ва иккинчи (1890) Туркистон кўргазмаларида маҳаллий хунармандлар ҳамда саноат корхоналари ишлаб чиқарган буюмлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намойиш қилинганда гилам тўқувчилар, қуролсозлар, заргарлар ва тўқувчиларнинг тайёрлаган буюмлари кўргазма иштирокчиларининг диққат-эътиборини қозонган эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳар хунармандлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пахта йигириш учун чарх, қўлбола тўқув дастгоҳини ишлаб чиқардилар. Бу буюмлар анча оддий бўлиб, ундан фойдаланишни ўрганиш учун кўп вақт талаб қилинмас, махсус малакага эга бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиядан саноат маҳсулотларининг келтирилиши ортиб борган сари маҳаллий хунармандчилик ишлаб чиқариш инқирозга учрай бошлади. Тўқувчи қўл дастгоҳида 17-18 соатдан ишлаб бор-йўғи 4-8 аршин (1 аршин 72,12 см.га тенг) мато ишлаб чиқарар, лекин оладиган маоши арзимаган миқдорда эди. Хонавайрон бўлган хунарманд-қосибларнинг сони ортиб борди. Хонликлар Россия тарафидан босиб олиншига қадар уларда фабрика ва мануфактура ишлаб чиқариши бўлмаса-да, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “уйда ишлайдиган дехқон-хунармандчилигига асосланган марказлашган, шунингдек асосан тарқоқ ҳолдаги мануфактураларнинг куртаклари мавжуд бўлган”. Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Андижон, Бухоро шаҳарлари ўлканинг хунармандчилик марказлари ҳисобланар эди. Бухорода 1841 йили 6 та чўян қуйиш цеҳи бўлиб, уларда қишлоқ хўжалик қуроллари, тўплар учун ядро ишлаб чиқарилган. Худди шундай корхоналар бошқа хонликларда ҳам мавжуд эди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 1870 йилда 775 га яқин

тўқувчилик устахонаси фаолият кўрсатиб турган. Туркистон ўлкасида рус капиталига хизмат кўрсатувчи катта-кичик корхоналар сони ҳам аста-секин ортиб борган. Бу хусусда генерал губернатор фон Кауфманга Тошкент шахрининг руслар яшайдиган қисмидаги фабрика ва заводлар хақида берилган маълумотлар диққатга муносибдир.

4-жадвал.

Тошкент шаҳридаги фабрика ва заводлар сони³⁰

Корхоналар	1872 йил	1873 йил
Заводлар:		
Совун ишлаб чиқарувчи	17	17
Кўн ишлаб чиқарувчи	90	91
Ғишт ишлаб чиқарувчи	35	34
Вино ишлаб чиқарувчи	5	6
Пиво ишлаб чиқарувчи	1	2
Фабрикалар:		
Пиллакашлик	3	3
Тўқувчилик	430	420
Бўяш	14	14

Жадвалдан кўриниб турибдики, тўқувчилик устун даражада ривожланган бўлиб, улар аҳолига ҳам турли матолар етказиб берган. Фабрикаларда тўқилган газламалар ўлкага оммавий тарзда келтирилиши муносабати билан ярим кустар корхоналар сони камайиб борган. Бу жараён хақида қуйидаги маълумотлар аниқ тасаввур беради:

5-жадвал.

1890-1913 йилларда Туркистоннинг хунармандчилик-тўқувчилик ишлаб чиқариши ҳолати³¹

Кўрсаткичлар	Фарғона ҳудуди		Сирдарё ҳудуди	
	1890 йил	1913 йил	1890 йил	1913 йил
Корхоналар сони	869	754	230	20
Ишчилар сони	934	817	246	36
Маҳсулот (минг рубль)	200,6	149,4	49,8	18,8

Жадвалда кўриниб турибдики, ана шу йиллар орасида корхоналар сони 43 марта, уларда ишлаб турган ишчилар сони деярли 26 баробар, ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 10,7 баробар қисқарган. Худди шундай аҳволни бошқа вилоятлар хунармандчилик корхоналарида ҳам кўриш мумкин.

³⁰ Содиқов Ҳ. ва бошқалар. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000.-Б. 237.

³¹ Содиқов Ҳ. ва бошқалар. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000.-Б. 237.

Турли манбалардан тўпланган маълумотлар 1915 йилгача Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган саноат корхоналарининг сони қуйидаги миқдорда бўлганлигини кўрсатади.³²

6-жадвал.
1915 йилгача Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган саноат корхоналарининг сони³³

Корхоналар	Худудлар					Ўлка бўйича жами
	Фарғона	Сирдарё	Самарқанд	Каспий орти	Етти сув	
Пахта тозалаш	167	41	15	-	-	223
Пахта тайёрлаш	3	6	-	-	-	9
Ёғ-мой ишлаб чиқариш	18	3	5	56	2	84
Пилла қуритиш	27	-	1	-	-	28
Пилла уруғи тайёрлаш	11	-	-	-	-	11
Кўнчилик	11	36	14	6	64	131
Совунчилик	9	25	2	9	-	45
Ичак тозалаш	5	5	3	9	4	26
Жун ювиш	-	4	1	-	12	17
Ғишт тайёрлаш	9	7	4	-	-	20
Тегирмонлар	17	21	5	16	6	65
Ароқ-вино тайёрлаш	2	6	24	5	3	40
Пиво тайёрлаш	6	10	1	3	11	31
Босмахоналар (жумладан тошбосма)	10	12	3	6	5	36
Электр станциялари	13	13	5	12	2	45
Бошқа корхоналар	30	80	32	25	32	199
Жами	338	269	115	147	141	1010

Манба: Жадвал турли манбалардан тўпланган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, баъзи адабиётларда кўрсатилганидек, Биринчи жаҳон уруши бошларида, Туркистонда саноат корхоналарининг сони 702 ёки 852 та эмас, балки 1061 тага етган. Буюртмаларни бажариш орқали уруш харажатларининг катта қисмини ўзлаштириб тобора бойиб борган рус ва чет эл буржуазияси Туркистонда саноат корхоналари қуришга эътиборини янада кучайтирди. Натижада, Октябрь тўнтариши арафасида ўлкада кўпгина янги корхоналар вужудга келди. Архив маълумотларига кўра, 1917 йили Туркистонда 1428 та саноат корхонаси бўлиб, шундан 483 таси Фарғонада, 323 таси Сирдарёда, 92 таси

³² Заорская В.В. и Александр К.А. Промышленные заведения Туркестанского края – Санкт-Петербург, 1915. – С.7; Статистический обзор Ферганской области за 1913 г. – Скобелев, 1916, прилож №10; Статистический обзор Сыр-Дарынской области за 1913 г. – Ташкент, 1916, - С. 90-92; Статистический обзор Самаркандской области за 1908 г.

³³ Статистический обзор Самаркандской области за 1908 г. - Самарканд 1910. прилож.№16; Статистический обзор Самаркандской области за 1912 г. – Верный.

Бухоро амирлигида, 89 таси Етгисув ҳудудида ва 13 таси Хива хонлигида бўлган. Бу корхоналардан 414 таси пахта заводи, 254 таси нонвойхона, 212 таси ун тегирмони, 81 таси сув чиқариш ускунаси, 69 таси кўн, 70 таси ёғ, 38 таси совун, 55 таси ғишт заводлари, 34 таси электро станция, 26 таси нефть ва кўмир конлари, 23 таси пиво, минерал сув ва муз тайёрловчи заводлар, 17 таси босмахона ва литография, 15 таси механика заводлари ва металл қуйиш устахоналари, 14 таси ғилдирак ёғи тайёрловчи заводлардан иборат эди.³⁴

Бу корхоналар қаторига Тошкент трамвай хизмати, темир йўл ва унинг устахоналари, нефть – кон саноати ва бошқа корхоналар кирмаган эди. 1917 йили ўлкада 20 та нефть, учта мис, шунингдек, олтингугурт, олтин ва бошқа фойдали қазилмалар корхоналари мавжуд бўлган. Шунингдек, Амударё кемачилиги, Красноводск денгиз порти ва бошқа саноат тармоқлари ишлаб турган. Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган барча саноат корхоналарини жамлаганда уларнинг сони Октябрь тўнтариши арафасида қарийб 1500 тага етган. Булардан ташқари, Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд ҳудудларида 31353 та косиб–хунармандчилик корхонаси, 53856 та шу соҳалар билан машғул бўлган кишилар рўйхатга олинган. Ўзига хос саноат ишлаб чиқаришини ташкил этган косиб–хунармандчилик корхоналари ҳам бозор муносабатларининг ривожланиши учун ҳисса қўшди.

Рус мустамлакачиларини Туркистондаги кенг тармоқли халқ маорифи ўчоқлари: мактаблар ва мадрасалар ғоят ажаблантирилган эди. Истилочилар уларнинг фаолияти билан танишиб мустамлакачилик тадрижи учун ўша мактаб ва мадрасаларнинг ғоятда хафли эканлигини пайқадилар.

Чоризм руслаштириш сиёсатини айна шу соҳада бошлаш кераклигини англаб, ўз дастурини ишлаб чиқишга киришди. Туркистоннинг биринчи генераль-губернатори, устамон дипломат ва пихини ёрган сиёсатчи К.П. фон Кауфман бу соҳада айниқса жон куйдириб фаолият кўрсатди. Унинг бу соҳадаги ишлари беҳуда кетмади. 1880 йил Империя Давлат Кенгаши Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини руслар билан биргаликда

³⁴ ЎзР МДА, ф.Р – 105, р.1, х.3, в.139-145, Стат. Сведения за 1917 год.

Ўқитиш масаласи кўрилганда Туркистон аҳолисининг “савдо-сотик, деҳқончиликда суяги қотганлиги ва ювош табиати” таъкидланиб, уларнинг “империядаги бошқа мусулмонлардан кескин ажралиб туришлари “ кайд қилинди.

Империя Давлат Кенгашининг 1880 йил февраль ойидаги қарори Туркистон генераль-губернатори К. П. Фон Кауфман томонидан қизгин кўллаб қувватланди ва руслаштириш сиёсатининг янги бир жабҳаси халқ маорифига қаратилди. Кауфман “руслар ва туземецларнинг болаларини биргаликда тарбиялаш” масаласини кўтарди. У “мусулмон ва рус мактабларини ажралиб туриши” иқтисодий ва сиёсий жихатдан зарарли деб ҳисоблайди. Бу ғояни Кауфманнинг издоши генерал-лейтенант Н.О. Розенбах (1884-1889) давом эттириб, ибтидоий турдаги бошланғич мактаблар- “рус –тузем” мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. 1884 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилиб, уларнинг сони XIX аср охирида юздан ошиб кетди. Бундай мактабларда ўқув кун икки қисимдан иборат бўлиб биринчи қисмда икки соатлик машғулотни рус ўқитувчиси (ўқув, ёзув, ҳисоб бўйича) иккинчи қисмда эса сабоқни ўзбек муаллими олиб борган.

Фарғона ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н.И. Корольков 1898 йилда императорга йўлланган ҳисобатида подшо маъмуриятининг ўлкани руслаштириш бобидаги дастурни баён этиб, “туземецларнинг” ўз болаларини ихтиёрий равишда рус-тузем мактабларига беришига эришиш муҳимлигига эътиборни қаратган. Бунинг учун у маҳаллий маъмурият амалдорларига яқин беш йил ичида иш юритишни рус тилига кўчиртириш лозимлигини уқтиради. Корольков бу тадбир “туземецларни” мансабга қизиқиб, фарзандларини рус-тузем мактабларига беришга истагини уйғотади, деб ҳисоблаган. Подшо генераллари “рус-тузем мактаблари ва шаҳар билим юртларини муваффақиятли тугаллаган туб ерли аҳолининг болаларига жиддий имтиёзлар берилсин”, деган фикрни илгари сурдилар. Ўзбек тилини муккамал билган, саккиз йил давомида рафиқаси билан Нанай қишлоғида

яшаб, ўзбек халқи руҳиятини пухта ўрганган, руслаштириш сиёсатининг “маданий” услуби тарафдорларидан бўлган собиқ зобит, Туркистон маорифи раҳбарларидан бири В.П. Наливкин (1857-1918) маслакдошлари ўртасида шундай ғояни илғари сурган эди: “Ўлкада рус таъсирини мустаҳкамлаш учун икки томонлама иш олиб бориш керак. Аҳолининг икки асосий гуруҳи ўзаро бир-бирларига яқинлашсин. Рус тилини маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқатиш билан бирга руслар, айниқса, хизматдаги амалдорларга маҳаллий оғзаки нутқни ўргатиш керак”. Туркистонда қарийб 40 йил хизмат қилиб, кичик зобитликдан генераль-лейтенант унвонига, шаҳар ҳокими ёрдамчиси, эски шаҳар полицмейстери лавозимида вилоят ҳарбий губернаторига қадар мансаб пилапояларидан кўтарилган Н.С. Ликошин ана шу ғояга амал қилган амалдорлардан бири эди. У уч йил ичида ўзбекчани ўрганиб, шу тилда ёзадиган, русчадан ўзбекчага, ўзбекчадан русчага бамалол ва эркин таржима қиладиган даражага эришди. Н.С. Ликошин руслаштириш сиёсатининг нозик услубини ёқлаб, Туркистонда хизмат қилувчи ҳар бир рус мансабдори маҳаллий тилини билиши шарт деб ҳисоблади. Ликошин маҳаллий аҳолидан тушаётган ариза-шикоятларни тешириш воситачилар орқали эмас, балки приставлар томонидан бевосита ўтказилиши лозимлигини уқтирган. Бу эса приставлардан маҳаллий тилни билишни талаб қиларди. Ликошин рус зобитларини ўзбек тилинигина эмас, ўзбек ёзувини ҳам ўрганишга чақирган. Маҳаллий маъмурият вакиллари, аҳолининг нуфузли қатлами, уламо ва зиёлиларни билиш, назорат қилиш, халқ кайфиятидан вақтида хабардор бўлиб туриш учун энг яхши восита эканлигини таъкидлаган. Мустамлакачи амалдорлар бундай таклифни бошида қабул қилиб, Туркистон халқлари тилларини ўрганишга оид тадбирларни йўлга қўйиш билан шуғулланувчи комиссия ташкил қилдилар. Комиссия ўзбек, тожик, қирғиз тилларини ўрганган рус амалдорларига мукофат беришга қарор қилди. Хиндистонда инглиз амалдорлари маҳаллий тилни ўрганганлари учун 600 рупия мукофат олишларини эслатиб, рус хизматчиларини маҳаллий тилларни ўрганишга рағбатлантириш зарурлигини кўрсатди. 1886 йилда В.П.Наливкин

томонидан рус зобитлари учун ўзбек тилини ўрганиш курслари очилди. У икки йил давомида 50 га яқин зобитни ўз атрофига тўплади. Наливкин ўзбек тилини ўрганишга оид қўлланмалар, луғатлар ва бошқа асарларни ёзиб нашр эттирди. Биринчи рус-тузем мактабига раҳбарлик қилган В.П. Наливкин мукофатланганлардан бири бўлгани тасодифи эмас.

Шаҳарларда очилган билим юртлири ҳам руслаштиришнинг муҳим ўчоғи бўлиб хизмат қилди. Улар рус-тузем мактабларидан интернатлари билан ажралиб турган. Интернатда ўзбек, қирғиз, қозоқ болаларининг рус тенгдошлари билан бирга яшаб, рус тилини яхши ўзлаштиришлари мустамлакачиларга аён бўлди. Шунинг учун ҳам Туркистон генераль-губернатори М.Г. Черняев (1882-1884) Чимкент шаҳар билим юртини кенгайтириш учун 100 минг рубл ажратгани ва ана шу билим юртида ўқишни истаган хотин-қизлар учун мукофоти таъсис этгани бежиз эмас, албатта. Ўша Черняев швейцариялик Генрих Мозер билан суҳбатда унинг туркистонликларни “руслаштиришни қачон охирига етказасиз?” деган саволига сипоҳларга хос жангарилик билан “маҳаллий аҳоли рус ароғи ва тамакисига ўрганиб бўлгандан кейин”, дея жавоб берган.

Тошкентнинг Эски шаҳарида узоқ йиллар давомида полиция бошлиғи лавозимида ишлаган Н.С.Ликошиннинг ўзбек болаларининг билимга чанқоқлиги ва табиий қобилиятларига баҳо бергани диққатга сазовордир. У Содиқ деган боланинг рус тилини ўрганиш учун унинг уйида маълум вақт яшагани ва шу вақт ичида кунт ва сабот билан рус тилини мутолаа қилганини ҳикоя қилади. Содиқ Ликошиннинг қизлари билан биргаликда дарс қилиб, оғзаки сўзлашувни ҳам яхшилаб ўрганиб олади. “Мен,-деб ёзган эди Н.С.Ликошин, - рус-тузем мактабида ўқимай, эски мактабни битириб тўғри шаҳар билим юртига келган болаларни кўрганман. Руслар орасида юрган бу болалар тезда ўз тенгдошлари билан чиқишиб, русча бийрон гаплашадиган бўлиб кетишдики, ҳатто рус-тузем мактабидаги тенгқурларини ҳам бу борада ортда қолдириб кетдилар.

Юқоридаги таҳлиллار XIX аср охири XX аср бошларида Туркистондаги иқтисодиёт ва таълим-тарбиянинг ҳолати А. Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларини шаклланишига тўғри келган омил эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

1.2. Абдулхамид Чўлпон маърифатида миллий иқтисодиёт ва таълим-тарбияни ривожлантириш масалалари.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ҳамда халқнинг моддий фаровонлигини юксалтириш нафақат иқтисодий соҳадаги, балки кўп жихатдан ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бевосита боғлиқдир.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: “Барча ислоҳотларнинг-иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат”³⁵. Президентимиз фикрларидан шуларни англашимиз керакки барча ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бутун даври давомида аҳолини турмуш тарзини яхшилаб бориш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш объектив заруриятдир.

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий, маърифий вазият тақозоси билан майдонга келган А. Чўлпон ҳам инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш, аҳолини турмуш тарзини яхшилаб бориш чора-тадбирларини амалга ошириш учун мамлакатни атрофлича ислоҳ этиш керак, деган ғояни илгари сурди.

А.Чўлпон мустамлака Туркистон, Россияга ярим қарам бўлган Бухоро ва Хива хонликларидаги инқирозли аҳвол, бу ўлкаларнинг умумжаҳон тараққиётидан тобора ортда қолаётгани, маҳаллий аҳолининг эрк учун интилишларининг бостирилиш сабабларини, нафақат иқтисодий соҳада, балки диний, маънавий соҳада ҳам юзага келган турғунликни чуқур англаб етди ва бу унинг онгида жамиятни ислоҳ этиш ғояларини уйғотдики, бусиз тараққиётни тасаввур ҳам этиб бўлмас эди.

³⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. -Б. 282.

Ватанимиздаги бу ислохотчилик ҳаракати мураккаб, тарихий жиҳатдан серқирра йўлни босиб ўтди. А. Чўлпон турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасини танлаб олиб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилди, айти пайтда, ижтимоий тараққиёт йўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди.

Абдулҳамид Чўлпон миллий иқтисодиёт ва таълим-тарбияни ривожлантиришни бош омили мамлакатда янги тартибдаги мактаблар, ўқув юртлари, дунёвий илмларни чуқур бера оладиган илм-маърифат масканлари очишди, унга миллатнинг барча қатламларини, хусусан ёшларни жалб этишди, деб билди.

Табиийки, бу йўлда у бор кучи, билими, моддий ва молиявий имкониятларини сафарбар қилди.

Абдулҳамид Чўлпон дунёвий таълимни фаоллаштиришга интила бориб, айти пайтда юзага келаётган миллий буржуазия манфаатлари, шаклланаётган товар-бозор муносабатлари шароитларини ўзида акс эттирди. У анъанавий таълим ислоҳоти, янги усулдаги мактаблар ва театр труппаларини яратиш, ҳар бир мусулмоннинг банк ва молиявий капитал ишида иштирок этиши имконияти тарафдори бўлгани ҳолда, исломнинг баъзи эскирган ақидаларини инкор этди, фаннинг (математика, география, грамматика ва бошқалар) ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришдаги алоҳида аҳамиятини тан олди. А. Чўлпон маънавий ва иқтисодий янгиланиш эҳтиёжи ҳақида матбуотда кўплаб чиқишлар қилди. Жадидларнинг йирик вакилларида бири Абдулҳамид Чўлпон ватанининг фидоий, халқпарвар фарзанди сифатида мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумга ўз муносабатини мақолалари орқали билдириб борди. У Ватанни, миллатни бағоят севган чин маънодаги ватанпарвар эди. Жумладан, Туркистонда темир йўллар қурилишини ижобий баҳолагани ҳолда, бундан келиб чиқаётган салбий ҳодисаларни ҳам ўз вақтида кўрсатиб берди.

Бошқа тараққийпарварлар қаторида Чўлпон темир йўл қурилиши туфайли аҳоли вокзал, станциялар барпо қилиш учун ўз ерларини арзонгаровга сотиб, марказлардан узоқлашиб, қашшоқликка маҳкум бўлаётганини, улар ўрнини европали аҳоли эгаллаётганини куюниб ёзган эди.

Чўлпоннинг ватан, она ер ҳақидаги фикрлари ғоят ибратли ва таъсирчандир: “... Ватан тупроқи шундоғ онадурки буни хор қилдук, ўзимизнинг ҳам хор бўлмоқимиз кўз олдидадур... Тупроқдан яратилдук, демок тупроқ танимиздир, ўз танимизни ўзимиз сотсак беақллик эмасму? Ажабо!!!...”

Айни пайтда Чўлпон миллий кадриятлар, миллий урф-одатлар ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди: “... Эй қариндошлар ... катта илтимосимиз шулдурки, Оврупанинг мўдасидан, шишасидан, бузуқ ахлоқидан намуна олмасдан ва бунларга бул жиҳатдан тақлид қилмасдан, балки илм, фан, хунар, саноатга ўхшашлик маданиятларидан намуна оллуб, бул жиҳатдан тақлид қилмоқимиз лозимдур. Оврупанинг мўдаси ва бузуқ ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир-кул қиладур. Бундан сақланингиз!!!”³⁶

Чўлпон Туркистонга тараққий давр киргандан бери газеталарда “Илм керак! Ўқимоқ керак” дея қичқириб келингани, шу қичқириш натижаси ўлароқ “Ўқумоқ ва ўқутмоқ ишлари секин бўлса ҳам олдинга босгани”, газета-журналлар чоп этилиб турганию “хамма шаҳарларда “янги усул” мактаблар очилганини” ҳам таъкидлайди.

Бироқ, адибнинг фикрича, бошқа бир муҳим масала ҳам борки, у ҳақда “ёзгучи ҳам, ўқуғучи ҳам йўқ”. Чўлпон ўқувчилар эътиборини, хусусан, маслакдошлари эътиборини мана шу муҳим масалага қаратмоқчи бўлади: “хайхот, зироат ишларимиз тамом хароб! хароб! хароб!... Олдинга бир одум отулгани ҳеч кўрилгани йўқ. Бир таноб ер кишлокда минг сўмга чиқди. Аммо ер дехқонда эмас, миллатга, халқга иона бермай тек сақлаб ётадурғон бойларда. Оҳ, шул бизни тамом куйдурадир”. Чўлпон ўз фикрларини асослаш учун ўн - ўн беш йил илгариги маориф ва зироат ишларидаги

³⁶ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар // Садои Фарғона. – 1914 йил 6 июнь.

аҳволни қиёслайди: бирида оз бўлса-да олдинга силжиш, иккинчисида орқага кетиш бўлганини кўрсатишга ҳаракат қилади. Чўлпон ўз мулоҳазаларини одатдагидек мурожаат билан яқунлайди: “Ёзайлук, қариндошлар, зироатдан! Ёзайлук қариндошлар, иқтисоддан! Алар бўлса, мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур. Дехқонлар бойлар қўлидан, қуллик, асирликдан қутилса, ҳаммаси бўлур. Ёзайлук, қариндошлар!...”³⁷ Кўринадики, Чўлпон жаид маърифатчилиги мавқеида тургани ҳолда миллатни тараққий эттириш учун илму ирфоннинг ўзи кифоя эмаслигини, бунинг учун жиддий иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини англай бошлаган. Айти пайтда, Чўлпон маърифат ва иқтисод муносабатини ўзгачароқ (“алар бўлса мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур”) тушуна бошлайди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун эса ижтимоий муносабатлар (“деҳқонларни қуллик, асирликдан қутқариш”) ни ўзгартириш, ислоҳ қилиш даркор.

Энг муҳим нуқта ислоҳни қай йўсин амалга ошириш масаласида Чўлпон ҳали тугал бир фикрга эга эмаски, бу нарса унинг онгида зиддиятли ўйлар кураши, изланиш жараёни кечаётганидан далолатдир.

Мустаҳкам иқтисодий асосга таянган ҳолдагина тараққиётга эришиш мумкинлигини Чўлпон ўз қарашларида ифода этган.

Эътиборли жиҳати шуки, Чўлпон қарашларида муайян шароитдан келиб чиққан ҳолда етакчи масаланинг ўзгариб туриши кузатилади: маърифат ёйиш---иқтисодни ривожлантириш--- ғояси.

Биз иқтисод ва маънавиятни муштарак ҳолда тасаввур этамиз. Чунки иқтисодий таназзулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам қашшоқлашади. Ёки аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислоҳотларга қодир бўла олмайди.

³⁷ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик // Садои Фарғона. – 1914 йил 30 май.

II БОБ. Андижон иқтисодий коллежида Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланишнинг амалий жиҳатдан таҳлили.

2.1. Андижон иқтисодий коллежининг ташкилий-педагогик фаолияти таснифи.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг таълим соҳасига катта эътибор бермоқда. Чунки малакали кадрлар мамлакатимизнинг иқтисодий равнақини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мамлакатимизда таълим соҳасига берилаётган бундай эътибор натижасида ёшларнинг малакали таълим олишга, касб-ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида республикамизнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида бир-биридан кўркам коллежлар қурилиб, уларда ёшларимиз касб-ҳунар сирларини ўргана бошлади.

Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда айнан шу йўналишларни кадрлар билан таъминловчи мазкур таълим муассасаларининг жойлаштирилиши, уларнинг моддий ва маънавий таъминлашнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу дастурда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш, янгидан қуриш, туман ва қишлоқларда уларнинг моддий техник базасини таъминлаш масалалари ечимини топди. Қолаверса, 2013 йил 18 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасида таълим - тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб

тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилаётганлиги, янги касб-хунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилганлиги, 2012/2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланганлиги, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги, эътиборимиз марказида бўлиши даркор³⁸– деб таъкидлаганига мувофиқ Андижон иқтисодиёт коллежида корхона, ташкилот, муассасалар ва Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда тузилган уч томонлама шартномалар асосида 2011-2012 ўқув йилида коллеж битирувчиларининг 82 фоизи ишга жойлашган, 12 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган. 2012-2013 ўқув йилида бу кўрсаткични 95-100 фоизга кўтариш коллеж раҳбарияти олдидаги асосий мақсад ва вазифа этиб белгиланган.

Биз битирув малакавий ишимизнинг ушбу бобида тадқиқот объектими Андижон иқтисодиёт коллежидаги таълим жараёни ва педагогик фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Коллежда ўқув муддати уч йил бўлиб, ихтиёрий-мажбурий ҳисобланади. Коллеж тарихи ва бошқарув структурасига қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йили 406-сонли Қарори асосида Андижон иқтисодиёт коллежи ташкил қилинди. Ушбу ўқув маркази 2000 йили 2 сентябрдан бошлаб ўз фаолиятини олиб бормоқда. Коллеж айна пайтда 108 нафар устозлар, 1709 нафар талабаларга 10 та йўналиш бўйича таълим-тарбия бериб келмоқда. Улар қуйидагилар:

1. “Молия” йўналиши;
2. “Банк иши” йўналиши;
3. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши;

³⁸ Каримов И.А.. “Бош мақсадимиз-кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент-“Ўзбекистон” – 2013.

4. “Хўжалик фаолияти” йўналиши;
5. “Халқаро бизнес” йўналиши;
6. “Солиқ ва солиққа тортиш” йўналиши;
7. “Суғурта иши” йўналиши;
8. “Ахборот – ресурс маркази мутахассиси” йўналиши;
9. “Менежмент” йўналиши;
10. “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик”

Фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-тарбиячи, муҳандис, усталар ва техник ходимлар сони жами 157 нафарни ташкил этади. Улардан 108 нафари педагоглар, 49 нафари бухгалтер, кассир ва техник ходимлар.

Ҳозирда коллежнинг бошқарув структураси қуйидагича:

Коллеж директори – Ширматова Нодира Исмоиловна

Директор ўринбосарлари:

1. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари – Маматов Азизбек
2. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари – Мўминова Мавлуда
3. Амалиёт ишлар бўйича директор ўринбосари – Муллабоев Хусниддин

Босқичлар бўйича деканлар:

1-босқич декани – Қаҳҳоров Дилмурод

2-босқич декани – Акбаров Лутфулло

3-босқич декани – Мамажонова Раъно

Коллеж хўжалик ишлари мудирлари – Мадазимов Баҳодир

Бош ҳисобчи – Абдухолиқов Сирожидин

Андижон иқтисодиёт коллежида таълим йўналишлари бўйича иқтисодиёт тармоқларига малакали кадрлар тайёрлайди. Андижон иқтисодиёт коллежи бошқарув структураси қуйидаги чизмада акс эттирилган.

- “Жисмоний тарбия” кафедраси мудири – Ахунов Равшан

Ўқитувчи ва техник ходимлар сони жами 157 нафарни ташкил этади.

Булардан педагог ўқитувчилар қуйидагилар:

- Бош ўқитувчи - 1 нафар;
- Етакчи ўқитувчи - 5 нафар;
- Катта ўқитувчи - 28 нафар;
- Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи - 1 нафар;
- Олий маълумотли ўқитувчи - 73 нафар;
- Жами: - 108 нафар.

Коллежда 1709 нафар талабадан, 1-босқичда 721 нафар, 2-босқичда 635 нафар, 3-босқичда 353 нафар талаба тахсил олмоқда. Коллеж ўқув системаси 2-сменада амалга оширилади.

Коллеж ўқув биноси 1100 нафар талабага мўлжалланган бўлиб, ўқув хоналари замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-услубий қуроллар, кўргазмали воситалар билан тўла жиҳозланган. Бундан ташқари 6 та хона чет-тили фанлари (рус-тили, немис-тили ва инглиз-тили) учун мўлжалланган бўлиб, бу хоналарнинг ҳар бири лингафонлашган. Коллежда ўқув аудиториялири, мажлис стол-стуллари, қачча кичик думалоқ столлар, магнитли доскалар, электрон доскалар мавжуд эмас.

Коллежда физика, кимё, биология фанлари учун махсус хоналар ва лаборатория хоналари мавжуд. улар махсус асбоб-ускуна, махсус техник жиҳозлар ўқув техник воситалар билан тўла таъминланган. Бу хоналарда талабалар олган назарий билимларини амалда қўллашлари мумкин. Талаба ўз тажрибасини ўтказишдан олдин махсус кийим кийиш ва ҳимоя воситалари билан ҳимояланишлари қатъиян талаб қилинади. Ушбу талабларга риоя қилган ҳолда лаборатория хоналарида тажрибалар ўтказилиш мумкин.

Бу хоналарга масъул шахслар физика хонаси учун Ҳ. Боқиева, химия хонаси учун О.Хасанова, биология хонаси учун М. Аҳмедовалардир.

Коллежда яратилган шарт-шароитлар талабларга тўла жавоб бера олади, ammo бу қулайликлардан ҳозирча талаба доимий интилиш ва қизиқиш билан фойдаланмайди.

2010-2011 ўқув йилининг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб коллеж раҳбари янгиланиб, коллежда янги ички тартиб-қоидалар ўрнатилган сабали давомад 87 фоизга яхшиланган, талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишлари ижобий томонга ўзгариб, яхши самарага эришилмоқда.

Шунингдек, барча шарт-шароитлар яратилган 400 ўринли талабалар турар жойи, спорт зали, “Маънавият ва маърифат” хонаси, соғломлаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси, ошхона барча-барчаси талабалар хизматида. Айни вақтда коллеж интернет тармоғига уланган бўлиб, ўқитувчилар ва талабалар янги маълумотлардан хабардор бўладилар.

Иқтисодиёт жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Шу боисдан ҳам “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” асосида халқаро андозалардаги замонавий тараққиётни таъминлай оладиган дадил мустақил фикрловчи, тафаккури теран, айна пайтда ички инсоний сифатлари барқ уриб турадиган, камолотга интилувчи мутахассисларни тайёрлаш коллежда асосий вазифа қилиб қўйилган.

Коллежда айна вақтда вилоятда ягона “Модем” системаси ташкил этилган бўлиб, компьютерлар республика тест марказига тўғридан-тўғри уланиб, масофали ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, коллеж интернет тармоғига ҳам уланган, ўқитувчилар ўзларига керакли бўлган маълумотларни текшириб, ўрганадилар.

Педагогик технологияларни амалда тўлиқ қўллаш имконини берувчи мультимедия тизими, турли проекторлар ҳамда жаҳон таълим стандартлари даражасидаги кўргазмали воситалар билан жиҳозланган.

Талабалар ўзлари эгаллаган билимларини тўғридан-тўғри республика тест марказига уланган компьютерлар орқали синовдан ўтказиш имкониятидан фойдаланадилар. Уларга информатика ўқитувчилари, тест маркази аъзолари яқиндан ёрдам берадилар. Коллежда 2 та катта компьютер

хонаси мавжуд бўлиб, унда 2 та мультимедия, принтер, сканер ҳамда 50 дан ортиқ компьютер, 1 та экран, 2 та аудио-видеоаппаратлар ва видеомагнитофон мавжуд. Уларда малакали ўқитувчилар дарс берадилар. Компьютердан фойдаланилган ҳолда, “Информатика” дарси “Ахборот технологиялари” фани, “Иш жойларини компьютерлаш” фанларини ўтадилар.

Дарс ўтишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишда Ахборот-ресурс марказидан кенг фойдаланади. Маънавий-руҳий, ақлий-ахлоқий кадриятлар сифатида ижтимоий ҳаётимизнинг асосий негизини ташкил қилган, битмас-туганмас хазина кутубхоналарнинг ўрни бекиёс.

Коллеж кутубхонаси хазинасида ҳозирги кунда 11342 мингдан зиёд адабиётлар мавжуд. Шундан, “Умумтаълим фанлар” учун 3844 минг дона бўлиб таъминланганлик даражаси 15 фоиз, “Махсус фанлар” учун 1398 минг дона бўлиб, таъминланганлик даражаси 15 фоиз, бадиий адабиётлар 6000 минг дона ва сиёсий адабиётлар 100 донани ташкил этиб, таъминланганлик даражаси 100 фоиз. Бу ерда талабалар учун 2 та ўқув зали, дарсларни тайёрлаш хоналари талабалар ихтиёрида. Кутубхонада иқтисодиёт, аниқ фанлар шунингдек, барча фан ўқитувчиларининг маъруза матнлари, услубий қўлланмалари мавжуд.

Коллеж ахборот-ресурс марказини асосан мутахассислик фанлари адабиётлари билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилдик. Таҳлилда шуни аниқладикки: “Маркетинг”, “Жаҳон иқтисодиёти”, “Иқтисодий таҳлил”, “Бюджет тизими”, “Тадбиркорлик молияси”, “Статистика”, “Солиқ тизими” ва “Банк иши” китоблари мавжуд. Лекин, “Банк ҳисоби”, “Бухгалтерия ҳисоби”, “Пул муомаласи”, “Молия бозори” китоблари борлиги аниқланмади. Фан ўқитувчилари ушбу адабиётларнинг камлиги сабабли ўзлари услубий қўлланма ва ишланмалар яратган.

Бизнинг фикримизча юқоридагиларга хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, коллежда ташкил қилинган таълим жараёнида бир қанча

ютуқларга эришилган бўлиши билан бирга қуйидаги камчиликлар бартараф этилса янада мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- Талабаларнинг давоматини янада яхшилаш керак;
- Бошқарув структурасини янада мустаҳкамлаш керак;
- Ўқув хоналарининг барчасини компьютерлаштириш лозим;
- Юқори малакали мутахассислар сонини кўпайтириш лозим;
- Янги педагогик технологиялардан, Шарқ мутафаккирлари, жаҳид маърифатпарварлари хусусан, А. Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланиб дарс машғулотларини олиб бориш керак.

2.2. Коллеж тарбия ишларини ташкиллаштиришда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларининг тадбиқ этилиши

Андижон иқтисодиёт коллежида тарбия ишларини ташкиллаштиришда, турли хил тадбирлар ўтказишда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғоялари кенг тадбиқ этилмоқда.

Шунингдек унинг таълим-тарбия, ижтимоий-иқтисодий ғоялари ўқувчи ёшларни тежамкорлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, коллеж таълим-тарбия ишларини ташкиллаштиришда, ўқувчиларни она-Ватанга муҳаббатини оширишда А. Чўлпоннинг ўзбек халқининг кўнглидаги дардини-миллий мустақиллик ғояларини ифода қилган “Халқ”, “Бузилган ўлкага”, “Виждон эрки”, “Кўнгил” номли шеърлари, “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик”, “Ватанимиз Туркистонда темир йўллар” номли мақолалари ҳамда “Кеча ва кундуз”, “Доктор Муҳаммадиёр”, “Улуғ ҳиндий”, “Қурбони жаҳолат” ва бошқа асарларидан кенг фойдаланилади. Қуйида коллеж тарбия ишларини ташкиллаштиришда қўлланилаётган А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини келтирамиз.

Абдулхамид Чўлпоннинг педагогик қарашлари асосини маърифатпарварлик ташкил этади. Янги замонга ҳақиқатан ҳам янгича маърифат лозим эди. Адиб буни тез тушунди ва тарғиб этди.

Чўлпоннинг матбуотда эълон қилинган илк асарларидаёқ миллатнинг маънавий қашшоқланишию юртнинг тутқунлигидан юраги пора бўлган, ўзининг юрак армонларию дардларини оммага юқтириб, уни мавжуд ҳолатдан чиқаришга даъват қилаётган безовта қалб эгаси бор бўйнини кўрсатиб туради. Унинг матбуот юзини кўрган илк асари “Туркистонли қариндошларимизга” деб номланувчи шеъридир. Агар бадиият нуқтайи назаридан қаралса шеър анчагина зайиф, услубий ғализликлару вазндаги соҳталиқлар яққол кўзга ташланади. Албатта, бошловчи шоир учун бу нав камчиликлар табиий ҳам. Бироқ биз кўпроқ бошқа жиҳатини ўйлаб, мақсадимиз Чўлпон қарашларидаги ўзгаришларни уни дилию онгида кечган

зиддиятларни кузатиш орқали руҳиятини тушунишига интилиш бўлганлиги важҳидан бадиият масалаларини имкон қадар четлаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Алалхусус мазкур шеърда Чўлпон, ўзи айтмоқчи “Миллатнинг энг танқид қилинатурғон ўринлари”ни кўришга интилади, уларни таъсвирлаш орқали омма қаршисига улкан кўзгу қўймоқчи бўлади гўё.

Шеърнинг бошидаёқ:

Илму маърифат ҳам хунардан қолди, маҳрум бизни халқ,

Маърифатсизлик балосига йўлиққон бизни халқ,

дея ўзининг асосий хулосасини беради-да, энди шу давоннинг исботи шарҳига ўтади. Шоирнинг фикрларида хали ярқ этиб кўзига ташланувчи оригиналлик кўринмайди, у аксарят жадидлар каби ўйлайди, мавжуд ахволни умуман жадидчилик нуқтаи назаридан баҳолайди. Хусусан аҳилликнинг йўқлигидан миллатнинг “бошига шунча кулфатлар келса ҳам ибрат олмаслиги” дан, фарзандига илм беришдан кўра кўпроқ тўй-ҳашамга эътибор берувчи оталардан зорланишлар, ўша давр жадид нашрларида бот-бот такрор этилувчи гаплар эди. Бироқ, эътибор берилса, шу шеърнинг ўзидаёқ Чўлпон учун ижтимоий дарднинг шахсийланиб улгурганини сезиш мумкин.

Чўлпоннинг “Доктор Муҳаммадиёр” номли ҳикоясининг бошланишида “Туркистоннинг қоронғу бир гўшасида,... номлик уездни шаҳарда” деган сўзларига дуч келамиз. Айни пайитда, сарлавҳа остидаёқ муаллиф ҳикоясига “ҳаёлий” деб таъриф беради. Чўлпон ўзи билган реал муҳит фонидан идеал қаҳрамонни ---ўқувчи омма ибрат олиши лозим бўлган фаол шахсни ҳаракатлантиради. Яъни, ҳикоя воқеаларига кечаётган ижтимоий муҳит “Қурбони жаҳолат”даги муҳитга монанд, қаҳрамонни эса Эшмуроднинг тамом акси. Умуман, Чўлпон ўзи тасвирлаётган муҳитга муносабатини ифодалаш учун қаршилантирилаётган томонларнинг ҳар иккиси доим ҳам ҳикоя матнида зухур қилмайди: улардан бири “текст” да кўрилса, иккинчиси “контекст”дан англашилади. Дейлик, ўғлини илмли қилишга астойдил бел боғлаган Хожи Аҳмад аввалги ҳикоясидакўрганимиз Эшмуроднинг “нодон ва жоҳил” отасига қарши қўйилади. Ёки Муҳаммадиёрнинг биринчи

устозини олиб кўрайлик.Ҳикоядаги кўп ўринлар муаллимнинг жадидчилардан эканига ишора қилади: “Уфа мадрасаи олиясини битурган”и, кийинишию ташқи қиёфаси (“бази бойлар муаллимнинг қиёфасини кўрган ҳамон эшигидан киргизмасдан ҳайдамакда”), зиё тарқатиш йўлидаги фидойилиги. Фидоилиги шунчаларки, илмга чанқоқ Муҳаммадиёрни бир йил мобайнида беминнат ўқитади, унинг ўқишини давом этиришига ёрдам беришларинисўраб “шаҳар муътабарона хузурларига”бош уриб боради. Жадид зиёлисининг бу фазилатларини Чўлпон ҳаётда ўзи гувоҳи бўлган ва матбуотда танқид қилгани мударисларнинг манфаатпараслиги (“Баҳор авваллари”), ахлоқий тубанлиги (“Мадрасаларимиз аҳволи”)га қарши қуяди. Аини пайитда, адиб ўқитишнинг самарасидан сўз юритиб, муаллимнинг бир йилдаёқ шогирдини”бутун аҳкоми ислом,тарих ва жўғрофиёларини мукамал билади”ган даражага етказганини ёзадики, бу билан усули жадиданинг усули қадим қаршисида афзаллигини таъкидлаб ўтади.

Чўлпон эл ичида Муҳаммадирдек иқтидорли ёшларнинг кўплигига ишонади, уларнинг рўёбга чиқишига моддий қийинчиликлару жамиятдаги маданий-марифий савиясининг пастлиги---жоҳиллик имкони бермаётир, деб ҳисоблайди. Кенг юртда Муҳаммадиёрнинг ўқишини давом эттиришга ёрдам берувчи бирор киши топилмаётган бир пайитда, “шаҳарда катта тўйлар бўлмакда, қимарбозлар,мастлар бир-бирларини пичоқлашуб, инсон қонлари “жаҳолат!!! жаҳолат!!!”деб оқмоқда эди!...Бирдан бир бўлгон шогирдларигаёрдам жамияти ақчасизликдантўхтаган эди!” Ёш адиб ўз юртида кўраётган бу аҳволни Боқудаги аҳвол билан чоғиштириб кўришга ундайди ўқувчисини. Муҳаммадиёр Боқуга келиб, “Жамияти ҳайрияга” мурожат қилгач,”бироз аъзолар маслаҳат қилгонларидан кейин Муҳаммадирни олий таҳсилигача жамият ўз ҳисобидан ўқутмоққа қарор берди”. Чўлпон 3.шу ўринда “ўз ватанидан ва ўз ватандошларидан ёрдам кўрмаган МуҳаммаддиёрБоқу ёшларининг ҳимматлари ила умидига етушди”, деб ёзаркан, гапларида ҳавас ва ўкинч оҳанглари зухур қилади. Бироқ бу кайфият аламзадаликка етакламайди.,чунки Чўлпон ҳам, қаҳрамони

Муҳаммадиёр ҳам аввало, “ватан менга нима берди?” деб ўйлайдиган худбинлардан эмаслар. Шу боис ҳам Чўлпон ўқишини давом эттира бошлаган Муҳаммадиёр ҳақида “энг муқаддас амалига етди. Энди оз бўлса ҳам ўзини хор қилган ватан ва ватандошларига хизмат қилажак эди”, деб ёзади. Ватан равнақи учун хизмат қилишликни муқаддас бурч санаган адиб қаҳрамонини ҳам шунга мувофиқ талқин қилади. Муҳаммадиёр қаерда бўлмасин мана шу муқаддас бурчни унутмайди, шу боис ҳам ўзи катта обрў-эътибор топган. Боқунида қўйиб, ватанига “қўлидан келган қадар хизмат қилмоқ” учун Туркистонга қайтади. Узоқ йиллик айрилиқдан сўнг юртига қайтган Муҳаммадиёр ўзи кўрган мутараққий мамлакатлар--- Италия, Франция, Швейцариядаги ҳаёт тарзи билан Туркистон ҳаётини қиёслаб изтироб чекади. Энди кўникиб қолган манзаралар ўрнида “пасткина ҳашак ва лойдан ясалган бинолар ва онлардан сафил бир ҳолда яшаган мусулмонлар! Топганини бачча, улоқ, ичкиликка ҳам домла эшон ва бойларга шалдиратуб тўн ва зарбоблар берган, бойлар қўлида бир кул хукмида бўлиб юрган ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар” намоён бўладилар. Чоғиштириш унинг дилида умидсизлик ҳосил қилади, чунки “кўбни кўрган, кўпни билган Муҳаммадиёрга “разолат ва сафолат” қўйнида яшаётган халқнинг “тараққий ва тамаддунларини кўрмак” нечоғли оғир масала эканлиги аён эди. Муҳаммадиёр яхши биладикки, она юртнинг “буюк-буюк, яшил-яшил тоғлари Исвейчарадан кам эмас эди. Наҳр-наҳр оқиб турғон сувлари ва нима экса шуни олса бўладурғон маҳсулдор тупроқлари ила Амриқодан ҳеч камлиги йўқ эди”. Бироқ айни пайтда бу юрт “илмсиз бойлари, жоҳил “олим”лари, ёлғон эшонлари ва исрофнинг кони бўлув ила ҳеч нарсага ўхшамас эди”. Кўрамизки Муҳаммадиёрнинг фикрича, Туркистоннинг тараққий этиши учун барча табиий имкониятлар муҳайё, бироқ шу имкониятларни рўёбга чиқариши мумкин ва лозим бўлган омма жаҳолат қўйнида, шу боис ҳам ўз фойдасини ўзи англаганича йўқ. Агар “халқ ўз фойдасини англаса”, яъни, маорифга жиддий эътибор берса, Европа дорилфунунларида балаларни ўқитиб зарур мутахассислар етиштирсаю

уларнинг “хар бири ўз вазифаларида туриб ишларни тартиби ила юргузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!” Муҳаммадиёрнинг мазкур нурли хаёлларига-да умидсизлик соя солади, чунки “бунларнинг бўлишига кўзи етмайди” унинг.

Кўриб турганимиздек, муаллиф қаҳрамони онгидаги умид ва умидсизлик курашини бир томонга ҳал қилмайди---масалани очик қолдиради. Бунинг сабаби, фикримизча, ҳикоя устида ишлаётган Чўлпоннинг ўзида шу хил зиддиятнинг мавжуд бўлганлигидадир. Даъвомизни асослаш учун Чўлпоннинг “Доктор Муҳаммадиёр”дан салгина илгари ёзилган “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик” номли мақоласига мурожат этамиз. Мақоланинг илк жумлаларидаёқ юқорида кўрганимиз Муҳаммадиёрнинг ўйларига ҳамоҳанг ўринлар кўзга ташланади. “Бутун Русияда манбатлик жиҳатидан ватанимиз Туркистоннинг илғорда эканлиги ҳаммага маълумдир. Ва ҳатто бутун дунёда манбатликнинг биринчи Амриқо бўлса, бизнинг Туркистон ҳам иккинчи саналадур”. Мақолани ёзиш пайтида Чўлпонни шунчалар унумдор ерларини макон тутган халқнинг нечун бунчалар ҳароб яшаши ўйга толдирган эдики, кейинча ҳудди шу нарса Муҳаммадиёрнинг ўйларига кўчади. Туркистон деҳқонларининг аянчли аҳволи, муаллифнинг фикрича, “экин машиналари” ишлатмаслиги ва шу боис меҳнат самарадорлигининг камлиги билан изоҳланади. Жамиятдаги жамики иллатлар илдизини жоҳилликда деб тушунган Чўлпон деҳқонларнинг “экин машиналари” ишлатмаслигининг сабабини ҳам шунда деб билади.

А. Чўлпоннинг ватанпарварлиги тил учидаги ватанпарварлик эмас, балки, қон-қонига сингиб кетган кечинмалардир. Адиб чинакамига ватанпарварлик ғоялари мустақил давлатда амалга ошади, деб билади. Мустамлакачилик сиёсати юргизилар экан ватанпарварлик фақат тил учидагина бўлади. Тоталитар тузимда “шаклан миллий, мазмунан социалистик” ғояси илгари сурилганида ана шундай турланадиган ватанпарварлик тушунчаси назарда тутилган эди. Байналмилал тарбия ҳам ўша замонда номигагина тарғиб этиларди. Негаки, ўз миллатига чин дилдан

ихлос қўймаган, миллий қиёфасини тиклаб олмаган халқдан бунақа туйғу бўлиши ҳам мумкин эмас. Худди шу жиҳатдан қараганда Чўлпон тарғиб этган ватанпарварлик чин ғоя эди.

2.3. Гуманитар ва ижтимоий- иқтисодий фанларни ўқитишда А.Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.

Андижон иқтисодиёт коллежида талабаларга янги замонавий, давр талабига мос билим оширишлари учун етарли имкониятлар мавжуд. Коллеж ўқув жараёни жаҳон талабларига мос келувчи давлат таълим стандартлари янги замон талабларига жавоб берувчи истиқбол ва келажакни кўзлаб ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этилган. Коллежда ўқув дастурлари олдинги ўқув босқичи умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юр்தларининг ўқув дастурлари билан ўзаро муносабатда бўлиб, таълимнинг узлуксиз ва изчил тамойилларига амал қилади.

Ҳар бир ўқув йили коллежнинг йиллик ўқув режаси асосида ташкил этилади. Ҳозирги кунда коллежда штат бўйича 108 нафар педагоглар таълим тарбия бериб келмоқдалар. Уларни тоифаси бўйича таҳлил қилсак, 1 нафари бош ўқитувчи, 5 нафари етакчи ўқитувчи, 28 нафари катта ўқитувчи, 73 олий маълумотли ўқитувчи, 1 нафари ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар коллеж педагоглар жамоасини ташкил этади. Бу эса коллеждаги мутахассис педагогларининг янгиликлар билан ишлаши, аждодлар меросларидан фойдаланиб, интерфаол усуллар ёрдамида талабаларга дарс ўтишлари билан бошқа коллежлардан ажралмоқда. Чунки коллеждаги ўқитувчилар таркиби ёш ўқитувчилар бўлиб, жами ўқитувчиларнинг 45 фоиздан ортиғини 26-35 ёшдагилар ташкил этгани боис, уларнинг дунё қарашлари ҳозирги замон талабларига мос келади. Айниқса янги педагогик технологиялар асосида дарслар ташкил этилган бўлиб, бу ўз самарасини сезиларли равишда кўрсатмоқда.

Ўзининг узоқ йиллик тажрибасига эга бўлган педагоглар кам. Коллеж педагоглари давлат таълим стандартлари, ўқув режа, ўқув жараёни жадвали, ўқитиладиган ихтисослик ва танлов фанларидан ўқув дастурлари, намунавий

дастурлар, ишчи ўқув дастурлари, календар тематик режалар, рейтинг режалари ва бошқа меъерий хужжатларга асосланган холда иш фаолиятини юритадилар.

Таълим муассасасида барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатмалар, услубий кўргазмалар, маърузалар курси, электрон дарсликлар, таркатма материаллар, зарурий маълумотномалар ва плакатлар билан тўла таъминланган. Юқоридаги хужжатларнинг тайёрланганлиги тўлиқ ёки камлигига қараб, педагог ўзи учун 30 фоизли устама ҳақларига балл йиғиб борилади. Хар бир педагогнинг ушбу зарурий хужжатлари бўлиши лозим ва бу хужжатлар ва маълумотномалар раҳбарият томонидан мунтазам равишда текшириб борилиб, назоратда бўлади, ҳамда маъмурият томонидан йиллик, график, ойлик ўқитувчиларнинг рейтинг кўрсаткичлари таҳлил қилиб борилади. Шу йўл билан таълим берувчи таълим олувчиларга фақатгина назарий билим берибгина қолмай интерфаол усуллар ёрдамида аждодлар меросларидан фойдаланиб дарсларни ташкил этади.

Коллежнинг йиллик ўқув режаси 2012-2013 ўқув йили учун 10405 соат бўлиб, шундан;

“Иқтисодий фанлар” учун бир йиллик ўқув режаси 4217 соатни ташкил этади. Мутахассислик фанлар бўйича кафедра мудирлари билан суҳбатлашилганда иқтисодий фанлардан дарс берувчи педагогларнинг иш фаолиятлари ўрганилди. Бугунги кунда коллежда Солиқ тизими, Иқтисодиёт назарияси, Иқтисодиёт асослари, Иқтисодий таҳлил, Маркетинг, Инвестиция ва лизинг, Лизинг асослари, Тадбиркорлик ва бизнес асослари, Банк иши, Бухгалтерия ҳисоби, Банкларда бухгалтерия ҳисоби, Аудит, Пул муомаласи, Молия, Молия ҳуқуқи, Микроиқтисодиёт, Персонални бошқариш ва бизнес этикаси, Статистика, Халқаро бизнес, Халқаро маркетинг, Бюджет тизими, Менежмент ва маркетинг каби яна бир қатор иқтисодий фанлар ўқитилади.

Бу фанлардан коллежнинг қуйидаги иқтидорли, жонкуяр педагоглари Кучкорова Дилфуза, Мамажоновна Нилуфар, Мирзарахимова Муаззам,

Адилова Хилола, Собирова Махфуза, Ахмадалиева Машхура, Мансурова Севара, Собирова Гулзода, Курбонова Зулхумор, Хотамбоева Ойсулув, Маматурдиева Нилуфар, Хакимова Гулнора, Алижонова Дилором, Гулбахор Тўланова сингари яна кўплаб мутахассислик фан педагоглари талабаларга таълим-тарбия бериб келмоқдалар.

Тадқиқот ишида иқтисодий фанлардан бири бўлган “Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитилиш ҳолатини таҳлил қиламиз. “Иқтисодиёт назарияси” фани жами 114 соат бўлиб, шундан: 50 соат маъруза, 30 соат амалий машғулот, 34 соат мустақил таълимдан иборат. Ушбу фанни коллежда ўқитувчи Гулбахор Тўланова олиб борар экан. Амалиёт даврида Мен Гулбахор Тўланованинг дарсларига кириб унинг дарс ўтиш методикасини кузатдим, ўргандим. Гулбахор Тўланованинг дарсларига кириб унинг дарс ўтиш методикасини кузатганимда, Гулбахор Тўлановада етарлича билим, кўникма ва малака борлигига гувоҳ бўлдим. Гулбахор Тўланова “Иқтисодиёт назарияси” фанини ўтиш жараёнида яъни ҳар бир дарсда ҳар бир мавзунини ажодлар меросларидан, халқ мақолларидан, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда талаба ёшларга жуда осонликча мавзунини тушунтириб ўтар экан. Мисол учун “Тадбиркорлик фаолияти” мавзусини ўтаётганда ажодлар меросларидан, халқ мақолларидан, интерфаол усуллардан “Ақлий хужум”, “Идрок харитаси”, “Балиқ склети” усулидан фойдаланди.

Дарс мобайнида ўқитувчи қандай дарс ташкил этмасин аввал билим, малака, қобилият ва фазилатларга мос тарзда бўладиган шароитни танлаши ва шундан кейингина машғулотни бошлаши зарур. Буларни ҳаммаси ўқитувчи ва талабаларнинг фазовий жойлашувига боғлиқ. Коллеждами, лицейдами, олий таълимдами бу жойлашувларнинг “Синф шароити” ва “Мен мунозарада” деб аталувчи ҳолатлари мавжуд ва буларни ўртасида деярли фарқ йўқ.

Коллежда синф шароити – анъанавий дарс ўтиш шакли бўлиб, талабалар бир-бирларини юзларини кўриш имконияти йўқ ёки чекланган. Бу шароитда

бахс ўтказиш мумкин эмас. Чунки, синфда охириги қаторда ўтирганнинг дарсга муносабати кескин фарқ қилади.

“Мен мунозарада” деб аталувчи ҳолат эса айна бахс мунозаралар ўтказиш учун қулай. Чунки унда талаба ўз фикрини дадил айтиш учун қулай имкониятни ҳис қилади.

Лекин булар билан чекланиб бўлмайди. Коллежа яна бундан ташқари “Мен-ўйинда” ва “Мен-ҳамкорликдаман” деб аталувчи ҳолатларни ҳам ташкил қилиш лозим. Чунки уларнинг афзалликлари синф шароитидан самаралироқдир. “Мен-ўйинда” деб аталувчи ҳолатда талабалар айлана шаклидаги стол атрофида жойлашадилар ва ўртага ташланган мавзу юзасидан фикр алмашадилар. Хаттоки бошловчи ҳам қаторда ўтиради.

“Мен-ҳамкорликдаман” деб аталувчи ҳолатда эса гуруҳлар таркиби тўрт-беш кишидан иборат бўлган, алоҳида столлар атрофида жойлашадилар. Бу гуруҳлар каттароқ гуруҳлар таркибидан ташкил топади. Бу ҳолатда “Мунозара клублари” фаолиятини ташкил этилиши кўзда тутилади.

Демак, дарс мобайнида ўқитувчи мавзунини характери ва у шакллантириши лозим бўлган билим, малака ва вазифаларни бажариш учун қобилиятга мос равишда мунозара шароитини танлаши ва шундан кейингина машғулотни бошлаши керак. Кўриниб турибдики, анъанавий синфда ташкил этиладиган машғулотларининг самарадорлиги деярли йўқ, чунки улар олдинги қаторларда ўтирган тингловчиларнинг фаоллигигагина йўналтирилган, қолганлар “ўйиндан ташқари” ҳолатда, бу нарса уларнинг дарс мазмунига муносабатларида бевосита акс этади.

Амалиёт мобайнида иқтисодий фанларни ўқитишда аждодлар меросидан, хусусан Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига тадбиқ этиш ва эришилган натижаларни таҳлил этиш учун биз Андижон иқтисодиёт коллежида “Иқтисодиёт назарияси” фанининг “Рақобат”, “Тадбиркорлик фаолияти”, “Аграр муносабатлар”, “Миллий иқтисодиёт ва унинг қарор топиши”, “Банклар”, “Инвестициялар”

мавзуларини Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий ғояларидан фойдаланиб, анъанавий ва ноанъанавий усуллар ёрдамида дарс ўтдик.

Андижон иқтисодиёт коллежида “Иқтисодиёт назарияси” фанининг “Рақобат” мавзусини ўтишда А. Чўлпоннинг “Ватанамиз Туркистонда темир йўллар” номли мақоласидаги “Ҳар куни газеталарда “Фалоний синди”, “Фалонийни вексели протест бўлди, дўкони печатланди” деганга ўхшаш кўрқинчлик хабарларни ўқиб этишмоқда ва кўриб билмоқда бўлсак ҳам, аммо ибратланмаймиз. Сабабини ҳеч текширмаймиз. Ёлғиз “Бозор касод” деб ўтаберамиз. Аммо бозорни касодлиғига нима сабаб эканлигини текширмаймиз”³⁹ деган фикрларидан фойдаланиб уни кенг қилиб шарҳлаб содда тилда талабаларга тушунтириб бердим. Шубилан бирга “Тадбиркорлик фаолияти” мавзусини ўтишда ҳам А. Чўлпоннинг “Ватанамиз Туркистонда темир йўллар” номли мақоласи ҳамда “Кеча ва кундуз” асарларидаги ғояларидан фойдаландим. Ва куйидагиларни талабаларга айтиб бердим. Янги темир йўллар қурилиши муносабати билан ёзилган кейинги мақоласида Чўлпон дастлаб ер масаласига тўхталади. У ўқувчиларни “темир йўлнинг бормоғи ила таноби 100 сўмлик ерлар албатта 1000 сўмга чиқиши” дан огоҳ этади, пулга қизиқиб ер сотиш ножоизлигини таъкидлайди. Чунки “замонамиз шундоғ замондурки, тирикчилик билан рақобат қилмоққа, маишат зулмидан қутулмоққа кўлда ер бўлмоқ керакдур”⁴⁰. Ерсиз қолган деҳқонлар фожеаси билан яхши таниш бўлган Чўлпон уларнинг сафи кенгаймаслигини истайди. Иқтисодиётни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бера бошлаган Чўлпон ўзлаштирилиши лозим бўлган маданиятлар сирасига “хунар”ни киритаркан, бу сўзга кўп маъно юклаётгандек, уни кенг маънода тушунаётгандек кўринади бизга. Фикримизча, адиб бу ўринда Европанинг тараққиётда илгарилаб кетишига имкон берган қатор омиллар ишлаб чиқаришу иш юритиш маданияти, хўжаликни бошқариш усуллари, қишлоқ хўжалигию саноат техникаси ва

³⁹ Чўлпон А. Ватанамиз Туркистонда темир йўллар//Садойи Фарғона, 1914 йил 6 июнь.

⁴⁰ Чўлпон А. Ватанамиз Туркистонда темир йўллар// Садойи Фарғона.-1914 йил 6 июнь.

технологияси кабиларни назарда тутади. Ёзувчимизни қувонтирган нарса Андижон станцияси қурилишини пудратчи сифатида маҳаллий ишбилармонларимиздан Абдулла Ҳамидуллаевнинг олганидир. Чўлпон билан суҳбат чоғида пудратчининг укаси “шундоғ катта муассасаларнинг фойдасини овруполиллар кўруб, уларнинг кўлига ўтиб кетаётганига ичлари ачишган”идан қурилишни олишга жазм қилганларини айтади. Ёш адиб ўзи орзулагандек ажнабий корчалонлар билан рақобатлаша оладиган, муҳими, миллат ҳақида қайғурадиган ўзига мослақдош одамни топади. Уларнинг суҳбатида яна бир муҳим масала кўтарилади: “истонсаларга армани ва руслар келуб ўтурмоқдадур. Бечора мусулмонлар бўлса ерларини ойлик қилуб бермоқдалар. Ҳозирда ижарага берсалар, бора-бора оз пул билан сотуб ҳам кўярлар. Вағзалга яқин ерларда, истанса атрофида энди ғайримиллат кўрунмоққа бошлади”. Суҳбатдошларни миллатдошларининг энг обод ва гавжум, демакки тижорат ишларини юргизиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш кенг имкониятлар берувчи жойлардан четлашиб қолаётганлари, турли йўллар билан четлаштирилаётгани ташвишга солади. Эътибор берсак: на жаид маърифатчиси бўлмиш Чўлпонда ва на каттагина сармоядор бўлмиш суҳбатдошида масалага тор, “синфий манфаат” нуқтаи назаридан ёндашиш кузатилмайди. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам асоратда қолган миллат вакиллари сифатида бир мақсадни-миллий истиқлолни кўзлайдилар.

Албатта, миллий истиқлол эндигина шаклланаётган миллий буржуазия учун кенг имкониятлар очиши тайин эди. Бироқ буни коммунистик мафкура тарафдорлари каби, “тор синфий манфаат” сифатида талқин қилишлик ҳақиқатга хиёнат қилишликдан бошқа нарса эмас эди. Сабабки, шаклланаётган миллий буржуазия манфаатлари Туркистон шароитида умумхалқ манфаатларига кўп жиҳатдан муштарак эди. Чўлпон Абдулла афандидек ақл ва тадбир билан иш юритадиган, ўз фойдаси билан бирга миллат манфаатини ҳам кўзлайдиган ишбилармонларнинг кўпайиши юртини обод, озод ва маъмур қилишига ишонади.

Чўлпоннинг тадбиркорлик тўғрисидаги фикрларини, “Кеча ва кундуз” романидаги Мирёкуб образида ҳам кўришимиз мумкин. Чўлпон Мирёкуб тимсолида асримиз бошида юртимизда қарор топа бошлаган янгича иқтисодий муносабатлар шароитида етишган ишбилармон кишиларга хос хусусиятларни мужассамлаштириб, уларнинг янги сиёсий куч сифатида ўз-ўзини таниш жараёнини тасвирлашга интиланган.

“Мирёкуб поезднинг қаерлардан ўтишини билиб олган эди....

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас безовталиқ ҳаракатга ва ишга айланди. Бир ойга етар-етмас, ўша келажак поезд йўли бўйларидан Мирёкуб жуда кўп-бир неча юз десатин - ер сотиб олди. Ерларнинг ҳаммаси деярлик сувсиз, нообод, ташландиқ ерлар эди. Шунча кўп ерга қанча оз пул кетади. Кўплар бу шошилиш савдони билмадилар, билганлар Мирёкубни “жинни бўлибди” дедилар...

Ширкат поезд йўли солишга ижозат олиб тайёргарликларга киришгандан кейингина, Мирёкуб қилган ишини нойиб тўрага айтди.

- Сен худди бир америкаликка ўхшайсан, Мирёкуб!- деди тўра. - Лекин кўнглингга оғир олма, чакки шу сартия⁴¹ ичида туғилиб қолгансан!”⁴²

А. Чўлпон берган таърифда Мирёкубнинг чинакам буржуа ишбилармонига хос хусусиятлари бўртиб кўринади: у - уддабурон одам, замона зайлини, мавжуд шароитда қандай ҳаракат қилинса яхши натижага чиқишни яхши билади: у “керакли одам”лар билан тез битишади, оз сарф билан кўп фойда олишга интилади, бошлаётган ишининг оқибатини пухта ўйлайди натижани олдиндан кўришга ҳаракат қилади. Унинг темир йўл бўйидаги ерларни сотиб олиш билан боғлиқ ишига нойиб тўранинг ўзи ҳам ҳайрон қоладики, бу ҳам фикримизнинг далилидир. Ўзидаги шу хусусиятлар туфайли Мирёкуб ўтган 15 йил мобайнида анча катта сармоядорга айланган: кўша-кўша дўконлари, чойхоналари, шериклик асосида эгалик қилаётган заводи, банкда ўзининг ҳиссаси бор. Кўрамизки, Мирёкубнинг ижтимоий

⁴¹ “сартия” – сартлар. “Сарт” – Туркистонда яшаган маҳаллий халққа мустамлакачилар томонидан берилган ном.

⁴² Чўлпон А. Асарлар. II-жилд. -Т., 1993.-Б.59.

мавқеи анча ортган, бунинг устига ўтган ўн беш йил мобайнида янгича иқтисодий шароит тўла қарор топганлигини ва бу ғоялар ҳозирда ҳам аҳамиятли эканлигини талабаларга тушунтириб, А. Чўлпон иқтисодий ғояларида ватанимизда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари турганлигини асослаб бердим.

Хулоса қилиб айтганда, дарслар жуда қизиқарли ўтилди.

Таълим ва тарбиянинг сифат ва самарадорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу борада ягона қудратли тавсия ёки йўл йўриқ бериб бўлмайди. Хаттоки, аждодлар меросларидан, халқ мақолларидан ҳам фойдалана билишнинг ўзига хос ва ўзига мос мезонлари мавжудлигини унутмаслик керак. Ноанъанавийлик, инновация ёки интерфаоллик байроғини баланд кўтарувчилар ҳам ўқитишнинг минг йиллик анъана ва тажрибалари, тўпланган улкан тажрибавий захирасини инкор этмасликлари лозим. Эски ва янгини ўзаро муносабати, базис ва устқурманинг мутаносиблиги, анъана ва ташаббуснинг келишувчанлик тамоилларини унутмаслик керак.

Касб-ҳунар коллежларида аждодлар ғояларини ҳозирги замон билан уйғунлашган ҳолда қўллаш бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлик сифатини яхшилашга хизмат қилади. Ўқув машғулотларининг самарадолиги ва педагоглар меҳнатининг фойдали иш коэффициентини оширади.

Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти таълим жараёнига тизимли ёндашув ва ранг-баранг педагогик фаолиятдан иборат хизмат кўрсатиш саналади.

**III-БОБ. Андижон иқтисодиёт коллежида ёш авлодни тарбиялашда
А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш.**

**3.1. Таълим-тарбия жараёнида А.Чўлпонни ижтимоий-иқтисодий,
педагогик ғояларини тадбиқ этишда интерфаол усуллардан
фойдаланиш.**

Замонавий билимдон, мутахассис кадрларни тайёрлаш, ижобий фазилатларга эга бўлган инсон салоҳиятини юзага чиқаришга ҳар жихатдан устозларга, уларнинг билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил қилиш, талабаларни чуқур билим олишга ёрдам берувчи мутахассислик фанларини ўрганишдаги методларни танлаш ҳамда такомиллаштиришлари ва уларни етарлича амалиётда қўллаш олишлари муҳим вазифалардандир.

Бунинг учун ҳозирги даврда ўқув жараёнини ташкил этиш ўқитувчидан фақат чуқур билимнигина эмас, балки педагогик маҳоратга эга бўлишларини, дарс беришнинг ноанъанавий услубиётини яратишни, таълимнинг турли фаол методларини ўз ўрнида қўллашни ва бунинг натижасида талаба-ёшларда билим, малака, иқтисодий-маънавий тафаккур дунёсини шакллантириш ва такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бугунги кундаги иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ёшларни тарбиялашда таълим тизимининг нақадар аҳамиятга эга эканлигини Президентимиз алоҳида таъкидлаб: “Ҳозирги пайтда бир ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра теранроқ англаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Самарали таълим тизимини яратмасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тасаввур этиш қийин. Ушбу соҳага устувор аҳамият берилиши шубҳасиз, унинг келгуси тараққиёти учун замин хозирлашдир”, деган эдилар.

Шу сабабли ҳам мамлакатимиздаги ҳозирги пайтда ёшларга берилаётган таълим тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим тарбия ҳамиша жамият тараққиётининг асоси бўлиб келган. Чунки, инсон жамиятдаги барча

муносабатлар, алоқаларнинг марказида туради. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи учун иқтисодий ўсиш омилларининг сифат жиҳатидан такомиллашиб бориш жараёни ўзига хосдир.

Фан-техника тараққиётининг илғор натижаларини қўллаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш юқори самарали технологиялардан фойдаланиш билан бир қаторда, энг муҳим юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бу борадаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот давомида олиб борилган тажриба ва таҳлилларга кўра, таълим тизимида Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларини ўқув тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқот натижаларини яхлит ҳолда таҳлил этиб, уларни иқтисодчи мутахассислар ўртасида оммалаштириш катта аҳамиятга моликдир.

Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларини ўқув тарбия жараёнига тадбиқ этишда замонавий педагогик технологияларни ўрни катта аҳамиятга эга.

Мутахассислар тайёрлашда махсус фанлар, хусусан таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига мувофиқ уларнинг фаолиятига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этиш механизмини ишлаб чиқиш бугунги куннинг асосий талабидир.

Тадқиқот ишини талаб даражасида бажариш учун Андижон иқтисодиёт коллежида барча мутахассислик фанларининг ўқув ва услубий дастурлари, маъруза матнлари, ўқув-услубий таъминот, профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган дарслик, қўлланмаларни таҳлил қилиб, ўрганиб чиқилди. Ўқув машғулотларнинг олиб борилиши, мустақил таълимни йўлга қўйилиши, тарбиявий тадбирларни ташкил этилиши, иқтисодиёт йўналишидаги барча мутахассислик фанларни ўрганиш технологиялари билан танишиб, машғулотларни ташкил этишда А. Чўлпоннинг иқтисодий ва педагогик ғояларидан мос равишда қўлланиладиган таълимни самарадор методлари ва уларни ҳар бир соҳа, мавзу мазмунига кўра таъминлаш,

кўлланиши юзасидан қатор маълумотлар ва материалларни таҳлил қилиб, тадқиқот иши учун асос қилиб олдик.

Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларини ўқув тарбия жараёнига тадбиқ этиш учун интерфаол ўқитиш усулларини танлашни такомиллаштиришнинг биринчи муҳим шarti – уларни тизимлашнинг ўқув жараёнини режалаштириш муолажалари амалиётида кўллаш билан боғлиқликни аниқлаштирадиган яхлит ёндашувни тавсифладик.

Интерфаол ўқитиш методлари танлашнинг яна бир муҳим шarti уларни энг мақбул чоғиштириш мезонларини ҳисобга олишни тақозо этади.

Педагогикада анъанавий усулларни танлаш мезонлари юксак даражада ишлаб чиқилган. Биз уларни назарий таҳлил қилиш асосида ўқитувчилар билан ўтказилган сўров натижаларига таянган ҳолда Абдулхамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларини ўқув тарбия жараёнига тадбиқ этишда интерфаол усулларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб қўйидаги мезонларни алоҳида кўрсатамиз :

1. Интерфаол усулларни танлаш мезони унинг таълим-тарбия, ривожлантириш масалаларини ечишга юқори йўналганлигида акс этади. Бу мезон турли усулларнинг доирадаги вазифаларни ечиш имкониятларини баҳолаш йўли билан жорий этилади, чунки ижтимоий тажриба элементларини ўзлаштиришда унинг имкониятлари турличадир.

2. Интерфаол усулларни танлашнинг навбатдаги мезони унинг таълим мазмуи хусусиятига мос келишидир. У метод мазмунининг ҳаракатланиш шакли (Гегель) сифатида ҳам аниқланади. Шу боисдан бу мезоннинг ҳисобга олиниши шарт. Бир усул ёрдамида мавзу музмуни тўлиқ очиб берилса, бошқаси уни тўлдиришга имкон туғдиради, учинчиси эса бу мазмун учун фойдасиз бўлиши ҳам мумкин.

Биз асосий интерфаол усуллар хусусида тўхталдик, бироқ уларни амалга ошириш шакллари жорий этиш воситалари каби турлича бўлиши мумкин. Масалан, “ақлий ҳужум”, “танқидий фикрлаш”, “ажурли арра”, “менюлар”

оғзаки сўз, дарслик ўқиш, кино ёки телевидение, бошқа тасвирий воситалар орқали амалга оширилса, “кластер”, “синквейн”, “ўз ўрнинг-ни топ” каби усуллар ўқитувчининг фаолият усулларини такрорлашни тақозо этади.

3. Интерфаол усулларни танлашнинг навбатдаги мезони унинг талабалар ўқув имкониятларига тўлиқ мос келишидир, яъни самарали ўқув фаолияти учун ички ва ташқи шарт-шароитлар бирлигини таъминлашдир.

Кузатишлардан маълумки, реал ўқув имкониятини ўрганишда қуйидаги шартларни аниқлаш керак: талабаларнинг мустақил фаолиятга тайёргарлиги (ўқув ишларини режалаштириш, машғулот мақсади ва вазифаларини тўлиқ белгилаб олиш кўникмаси, ўз-ўзини назорат қилиш, тескари алоқа ўрнатиш ва қўшимча дидактик жараён қуриш); талабаларнинг ижодий фаолиятга тайёргарлиги (фикрлаш мустақиллиги, ўқув материалидаги асосий ғояни англаш кўникмаси, топшириқ шартларини белгилаш ва уни ечиш методларини мустақил топиш кўникмаси); ўқишга муносабати ва бошқалар.


Аудитория тайёргарлигининг юқори даражаси интерфаол усуллар савиясининг оширилишини талаб этади. Аудиторияга тайёргарлиги паст даражада бўлган талабалар билан бошқача ўқитиш методи қўлланилади, бунда маъруза, тушунтириш, кўрсатмалилик усулларининг ўрни ва аҳамияти ошади.

4. Интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланишда педагогнинг шахсий имкониятлари мос келиши лозим. Бу мезон педагогнинг ўқитиш усуллари назарияси ва амалиёти, ўқитиш жараёнининг қонуниятлари, билиш назариялари (ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш, бихевиоризм, генштальт назария ва бошқалар), таълим мазмуни назарияси ва бошқа мавжуд қонунлар билан қуролланган даяжаси ҳисобга олинади. Маълумки, дарснинг дидактик мақсадига турли метод, унинг ўзаро бирикувидан ижобий фойдаланиш эвазига эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, усуллар компенсаторлик (бири йўл қўйган камчиликни бошқаси тутади) имкониятига эга. Бу жараёни уюштириш, вақт ва куч сафини тежаш,

талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш, интерфаол усуллардан фойдаланиш кун тартибига қўйилмоқда.

5. Интерфаол усулларни танлаш мезонларидан яна бири – унинг ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан мос келишидир. Дарвоқе, ўқитишнинг ялпи (фронтал), гуруҳли ва индивидуал шаклари турлича усулларни талаб этади. Асосан, дебат методи икки талаба (ёки икки гуруҳ) ўртасидаги баҳс ҳисобланса, “ақлий хужум” да гуруҳдаги барча талабалар иштироки зарур. Шу билан биргаликда, бу мезон мавзунинг мураккаблик даражасига мос ҳолда шакл ва услубнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга йўналтирилади.

6. Интерфаол усулларнинг педагогик технология тамойилларига мос келиши умумлаштирувчи мезон ҳисобланади. Маълумки, педагогик технология ҳам маълум қонуниятлар асосида лойиҳаланиб, ўқув жараёнини ташкил этишга асос яратади, якуний натижани талабанинг муайян мавзунинг ўзлаштириши кўрсатади. Бу асослар педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонлари кўрсатиб туради. Уларни педагогик технология тамойиллари деб аташ мумкин. Интерфаол усуллар ёрдамида педагогик технология асоси – дидактик жараённи қўришда ана шу тамойилларга таянилади.



3.1. 1-Расм. Интерфаол усуллар.

Ҳозирги кунда педагогикани икки маънода тушунишимиз мумкин. Биринчиси таълимда инновацион педагогик технологиялар бўлса, иккинчиси таълим тизимидаги замонавий ахборот технологияларидир.

Таълим самарадорлигини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш мумкин. “Ахборот технологиялари” иборасидаги “технология” сўзи лотинча “*thexnos*” – санъат, ҳунар, соҳа ва “*logos*” – фан деган маънони билдиради. Яъни, технология – бирор вазифани бажаришда унинг турли хил усуллари кўринишини билдиради.

Ахборот технологиялари ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуидир.

Ахборот технологиясининг вужудга келиши ва ривожланишини белгиловчи ички ва ташқи омиллар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Ички омиллар – бу ахборотларнинг пайдо бўлиши (яратилиши), турлари, хоссалари, ахборотлар билан турли амалларни бажариш, уларни жамлаш, узатиш, сақлаш ва ҳоказо.

2. Ташқи омиллар-бу ахборотларнинг техник-ускунавий воситалари орқали ахборотлар билан турли вазифаларни амалга оширишни билдиради.

Ахборот технологиясининг мазмунини қуйидаги оддий бир мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Сиз бирор маълумот ҳақида бошқа бир вилоят (республика, қитъа) да яшовчи ўртоғингиз билан фикир алмашмоқчисиз дейлик. Буни турли йўллар орқали амалга оширишингиз мумкин. Сиз ўртоғингизга ўз фикрингизни (ўз навбатида ўртоғингиз ҳам сизга жавобан) қуйидаги усуллар орқали етказишингиз мумкин:

1. алоқа бўлими орқали (ёзма равишда):
2. телефон тармоқлари орқали (оғзаки):
3. замонавий телекоммуникация воситалари орқали.

Ҳаётини тажриба шуни кўрсатадики, бу усуллардан фойдаланиш натижалари турлича бўлади ва натижаларга қараб, қайси усулдан фойдаланишни ўзингиз белгилаб оласиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида, албатта, бирор юмушни бажаришдан олдин уни амалга ошириш учун кетадиган маблағларни чамалаб кўришингиз лозим, акс холда уни амалга ошира олмаслигингиз мумкин. Албатта юқорида кўрсатилган усуллардан фойдаланиш, узатилаётган ахборот мазмуни ва моҳиятига боғлиқ. Усуллардан ўзингиз учун иқтисодий жихатдан энг арзон (хеч бўлмаганда арзонроғи) ва сифати юқори бўлган усулни белгилаб оласиз.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида ўқитишни автоматлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Чунки замонавий ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш катта ижобий натижалар беради. Коллежда ўқитишни автоматлаштириш (ахборотлаштириш) ёки ахборот технологияларидан фойдаланиш дастурига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а). таълим тизимининг барча поғоналарида ахборотлаштиришнинг етакчи бўғинлигини таъминлаш зарур;

б). барча соҳалар бўйича билим беришида ахборотлаштиришни ривожлантиришни лойиҳалаш ва яратиш (мониторинг), ресурс марказ тизими;

в). ахборотлаштириш соҳаларида меъёрий базаларни яратиш (координациялар, методлар, илмий-методик бирлашмалар ва ҳ.к) керак;

г). техник таъминотни-компьютерлар, ахборот технологиясининг бошқа қурилмалари (фотоапаратдан микроскопгача), уларга хизмат кўрсатиш учун керакли материалларни яратиш лозим;

д). телекоммуникация (ҳаво орқали, ернинг сунъий йўлдошлари ва бошқа алоқа каналлари) тармоқлари;

е). таъминот ресурслари (дастурий таъминот, интернетдаги ахборотлар можмуи, маълумотномалар ва ҳ.к) бўлиши лозим.

Ахборот технологиясидан фойдаланиш ва уни бирор-бир соҳага тадбиқ этиш ўз ичига қатор вазифаларни олади. Қуйида ахборотлашган фаолият объектлари ҳақида гап юритамиз.

Бундай объектларга сонлар (ўлчаш ва моделлаштириш натижалари), матнлар, тасвирий ахборотнинг статистик ва динамик ифодалари, расмлар,

чизмалар ва анимациялар, овозли образлар (ёзилган овоз, мусиқа ва бошқалар) киради.

Фойдаланувчининг мустақил ва онгли равишда олиб борадиган фаолиятига ахборот объектларини яратиш, керакли ахборот объектларини излаш, ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ажратиб олиш, ташкиллаштириш, керакли кўриқда тасвирлаш, ахборот объектларини (матин, суҳбат, расм, ўйин ва бошқа кўринишда) узатиш, моделлаштириш, лойиҳалаш, объектларини режалаштириш ва бошқалар кириди.

Ахборот технологияси моделлари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жараён қуйдагиларни ўз ичига олади:

* компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш планшети, мусиқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти:

* ускунавий дастурий таъминот

* виртуал матн конструкторлари, мультипликациялар, мусиқалар, физик моделлар, географик хариталар, экран процессори ва ҳ.к:

* ахборот мажмуи-маълумотномалар, энциклопедиялар, виртуал музейлар ва ҳ.к:

* техник кўникмалар тренежёрлари (тугмачаларга қарамасдан маълумот киритиш, дастурий маълумотларни ўзлаштириш ва ҳ.к).

Кейинги йилларда турли билим соҳаларида янги ахборот технологияларини яратиш ва ишлатиш масалалари кенг ёритилмоқда. Ахборотлаштириш муаммоларига бундай ёндашув тасодифий эмас. Кўплаб мамлакатларда ўтказилаётган тадқиқотларнинг кўрсатишига, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш ахборотни ишлаб чиқаришга кўп даражада боғлиқ бўлиб, бунда энг муҳим сармоя одам билимидир.

Ҳозирги замон ахбор технологияларининг асосини қуйидаги 3 техника ютуғи ташкил этади:

1. Ахборотнинг машина ўқийдиган ташувчиларда жамлаш муҳитининг пайдо бўлиши (магнит ленталар, кинофильмлар, магнитдисклар ва ҳоказо):

2. Ахборотни ер шарининг исталган нуқтасига вақт ва масофа бўйича муҳим (чеклар) чеклашларсиз етказишнинг таъминловчи алоқа воситаларининг ривожланиши, аҳолини алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшиттириш, телевидения, маълумотларни узатиш, тармоқлари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва ҳоказо) ошириш:

3. Ахборотни компьютерлаш ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиш имконини (саралаш, таснифлиш, керакли шаклда ифодалаш ва яратиш ҳоказо).

Шундай қилиб, ахборот технологияси (А.Т)-биринчидан, ахборотнинг циркуляция ва ишлов бериш мажмуи, иккинчидан, бу жараёнларнинг тасвиридир.

Янги ахборот технологиялари таълимда муҳим ўрин тутиб, қуйидагича вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

* ҳар бир одамга хос бўлган ноёб (бўлган) фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи-талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўз-ўзини камолотга етказишга шакллантириш:

* боғлиқ ҳодисаларни комплекс ўрганишни, табиатшунослик, техника, ижтимоий фанлар ва санъат орасидаги жараёнларнинг мазмун, шакл ва методларининг доимий динамик янгилаш.

Таълим тизими нуқтаи назаридан янги ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган ушбу муаммолар муҳимдир:

* техника муаммолар-булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўлланиш хусусиятларини белгилайди:

* программа муоммолари-булар таълим тизимида фойдаланиш учун программа таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди.

* тайёргарлик муаммолари-булар ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш ўқувчилари билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиши турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Бироқ мавжуд ва ишлаб чиқиладиган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин эмас. Бунга сабаблардан бири компьютер технологияларини анъанавий ташкил этилган ўқитиш жараёни жорий этила бошлаганлиги бўлиб, ўзининг асосий мазмуни ва методлари бўйича бу технологиялари йўналтирилмаган ва уларга эҳтиёж сезмайди.

Шу муносабат билан касбий таълим тизимига янги ахборот технологияларини жорий қилиш муаммолари ва истиқболларини кўриб чиқиш фавқулудда муҳимдир.

Янги ахборот технологияларининг техник воситалари базасидаги компьютер технологияси ва коммуникация ва ситаларини ўз ичига олади. Компьютер техникаси ахборотни сақлаш, ишлаб чиқиш, коммуникация техникаси (телефон, телеграф, радио, телевидение, йўлдош алоқа, электрон ҳисоблаш машиналари тармоқлари), ахборотни узоқ масофаларга узатиш асосида фойдаланувчиларга етказишни ўз ичига олади.

Янги ахборот технологиялари бир вақтда электрон ҳисоблаш машиналари ва коммуникация воситаларини ўз ичига оладиган комплекс-техник тузилмаларни яратиш асосида амалга оширилади.

Ҳозирги замон ахборот технологияларини амалга оширишнинг энг муҳим мисоллари видеотекс, телетекс, электрон почта каби тизимдир.

Баъзи техник ва дастурли янги ахборот технологияларини кўриб чиқайлик.

Компьютерлар. Компьютер техникаси ҳозирги вақтда тезкорлик билан ривожланмоқда. Бу энг аввало оператив хотира хажми, винчестерли дискеталар, ташқи хотираси хажми, компакт оптик дисклар хажми каби

техник характеристикаларнинг яхшиланишига хос бўлиб, уларда тезкорлик ошмоқда. Кейинги вақтда турли оптик хотирловчи қурилмалар (видеодисклар, оптик дисклар) кенг тарқалмоқда.

Электрон ҳисоблаш машиналари тармоқлари. Ҳозирги вақтда билимларнинг барча соҳаларида электрон ҳисоблаш машиналари ёки компьютер (локал ёки глобал) тармоқлари кенг тарқалди.

Йўлдаги алоқа тизимлари. Кўплаб ер устидаги станцияларни ва ер сунъий йўлдошдаги ретренсляторларни ўз ичига олади.

Сунъий интеллект тизимлари. Сунъий интеллект элементли электрон ҳисоблаш машиналарининг одатдаги электрон ҳисоблаш машиналаридан фарқи шундаки, одатдаги электрон ҳисоблаш машиналарилар фақат статистик маълумотларни, сунъий интеллект усуллари эса билимларни ишлаб чиқади.

Информатиканинг алоҳида йўналиши сунъий интеллектдир. Дам ақлий фаолиятининг баъзи турларини амалга оширувчи дастурли – техника воситалари ишлаб чиқилмоқда.

Электрон почта. “Электрон почта” номининг ўзидаёқ мазкур тушунчанинг мазмуни очиб берилган, яъни корреспонденцияларни амлашиши учун почтага ўхшаш равишда ахборот узтиш ва ишлаб чиқаришнинг электрон усулларида фойдаланиш, яъни босма материаллар, жадваллар ва журналларни узатиш. Электрон почта қоғозсиз почта алоқалари хизматидан иборат бўлиб, аслида хужжатли хабарларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари тизимидир.

Телеконференциялар. Замонавий ахборот технологияларнинг амалга оширишда мисол бўла оладилар. Телеконференциялар ўтказиш учун қуйидаги аппаратуралардан фойдаланилади:

- терминаллар;
- телевизион камералар;
- график дисплейлар
- катта намоиши экранлари.

Хулоса қилиб айтганда, янги ахборот технологиялар, хусусан компьютер технологиялари бугунги кунда энг самарали ўқитиш воситаларидир. Чунки, биринчидан, уларнинг қўлланилиши ўқувчи-талабани ўқув жараёнига фаол жалб қилинишининг рағбатлантиради, иккинчидан, компьютер ўқитишида ва таълимда эришиб бўладиган техник воситадир.

Таълимда компьютерлаштиришнинг ривожланишини, ташкилий-педагогик муракабликлархам, ўқитишнинг янги компьютерлаштиришга йўналтирилган мазмунга тўла мувофиқ педагогик дастур воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдаги муракабликлар хали тўхтаб турибди.

Шу билан бирга тажрибанинг кўрсатишича, янги ахборот технологиялари ўқитишнинг анъанвий ва янги воситаларини оқилона комбинациялаб амалга оширилгандагина у мувофақиятли бўлиши мумкун. Бунда бир ўқитиш воситасининг жорий этилиши навбатдаги воситанинг излинишига сабаб бўлади ваҳоказо.

Шу муносабат билан янги ахборот технологиялар базасида комплекс ўқитиш воситалари концепцияси доирасида янги ахборот технологияларнинг қўлланилиши ўқув жараёнида аслида ҳам самарали бўлишига олиб келади.

3.2. Коллежда ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.

Республикамиз Ҳукумати олий ва халқ таълими соҳасида ўртага кўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан педагогга боғлиқ. Янги иқтисодий шароитда таълим тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга етишиш, талаба-ёшларнинг хилма-хил фаолиятларини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол авлод қилиб ўстириш педагог зиммасига юклатилган.

Халқимиз келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқлоли кўп жиҳатдан педагогика, унинг савиясига, тайёргарлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашга бўлган муносабатига боғлиқ.

Ёш авлодни тарбиялашда А. Чўлпоннинг ғояларидан фойдаланишни такомиллаштиришда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб, таълим жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ўқитувчидан педагогик маҳоратни талаб этади. Чунки талабаларга билим ва тарбия беришда А. Чўлпоннинг ғояларини ҳар бир мавзуга мос қилиб қўллаш керак.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кадрлар “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” ни босқичма-босқич мувафақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидоийлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишга бўлган муносабатига боғлиқдир.

Ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий топшириғини бажаради, шундай экан, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Шундай экан ўқитувчи мустақиллик ғоясига эътиқодли, ҳар томонлама ривожланган, илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти, яъни ўз

фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ва малакаларини эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазифаларни тезда ечишни, вазиятларни сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши керак. Педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган авлодни тарбиялаш нозик ниҳоятда катта диққат-эътиборни талаб қиладиган ички зиддиятли жараёндир. Шундай экан ўқитувчи, ўқувчи ва талабанинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кузатиши лозим. У педагогик жараёни бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини ва диалектикасини, педагогик меҳнат методи, касб ва технологиясини ҳамда профессионал педагогик маҳоратини эгаллай олади.

Педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлган ўқитувчи аввал, педагогика фанининг метадологик асосларини шахс ривожланишининг қонуниятлари ва омилларини, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши керак. Таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогларни кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини чуқур англамоқдалар.

Шу сабабли улар ўз маҳоратларини узлуксиз ошира боришига, ҳозирги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва тажрибаларининг ўзлаштиришга, ижодий меҳнат қилишга интиломоқдалар. Аммо, шуни ҳам эътироф этишимиз керакки, ўқув юртларида айрим ўқитувчилар ўз педагогик маҳоратларини ошира боришнинг аҳамиятини етарли даражада ҳис қилмаяпдилар, “Таълим тўғрисида” ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” ни талабларини чуқурроқ ўрганишга қизикмайдилар, ўқув жараёнининг илмийлигига, замон талабларига мослигига, турмуш, амалиёт билан боғланишига юзаки қарайдилар, ўқитилаётган ўқув фанларининг илмий ва ғоявий, тарбиявий бирлигини доимо эсда тутмайдилар.

Бу эса улар кўлида таълим олаётган ўқувчи талабаларнинг билим даражаси ва савиясининг етарли эмаслигига, ўқув дастурида ўзлаштиришдан орқада қолишларига сабаб бўлмоқда.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, у ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат малакали педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билан амалга ошириш мумкин.

Ўқитувчилик катта санъатдир, бу санъатга у ёки бу педагог осонгина ўз-ўзидан эриша олмайди. Бунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлоднинг чинакам мураббий бўлишига ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий ва ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошира борувчи, мустақиллик ғояси ва мафкураси билан пухта қуролланган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Педагогик маҳоратни ўқитувчида камида қуйидаги қобилиятлар мужассам бўлмоғи лозим:

- ўқитувчи дарс материални аниқ ва равшан баён қила олиши керак;
- ўқитувчи ўз таълим олувчиларини иложи борича ўрганилаётган мавзу бўйича бир хил фикрга келтира олиши керак;
- ўқитувчи мавзу моҳиятини тўла очиб бера олиши керак ва керак бўлганда ўқувчиларга аждодлар мероси хусусан Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларининг ўрни ва роли ҳақида ҳам тушунча бера олиши керак;
- дарс давомида бефарқ ҳолда қатнашаётган талабани тезда дарс мазмунини ўрганишга жалб қила олишни билиши керак;

- ўқитувчининг дарсини яна давом эттиришини ҳоҳловчи таълим олувчилар сони аудиториядаги жами таълим олувчиларнинг қанча қисмини ташкил этишини ҳам баҳолаб бориш ва бу орқали ўз дарс ўтиш технологиясини такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлиш;

- ўқитувчининг дарс мақсадига эришганлигини баҳолай билиш ва хулосалаш қобилияти ва шу кабилар.

Бу жараёнда илғор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчидан ўрганиш, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалари билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати асосан синф, аудитория машғулотларида яққол кўринади, чунки, ўқув машғулотлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг ўқув юртидаги асосий ишидир.

Шу сабали у илмий, ғоявий ва оммабоп бўлиши, турмуш билан ўқувчи-талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан боғланиши зарур. Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи-талабалар ўртасида ўзаро жонли фикр олишув, самимий муносабат, ҳурмат, асосий мақсадга эришишда ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насихатгўйликдан иборат бўлган расмият учун юзаки ўтказиладиган дарс маъруза ва бошқа ўқув машғулотлари ўқувчи-талабаларни қизиқтирмайди, уларни илмий, ғоявий жиҳатдан етарли озиклантирмайди.

Шундай экан, ўқув машғулотларини шундай ташкил қилиш керакки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши керак.

Ўқув машғулотларини ташкил қилишда аждодлар меросидан хусусан А.Чўлпон ғояларидан фойдаланиш ҳам ўқувчиларни дарсга қизиқишини орттиради. А. Чўлпоннинг “Оврупанинг мактаб, мадраса, илм-фан, саъат, ҳунарга ўхшаш маданиятлари сизларни озод, маъмур, олим қилуб, жоҳилликдан асорат-қулликдан қутултурадур” деган фикрлари ҳамда

маърифат ёйиш---иктисодни ривожлантириш каби ғоялари ўқувчиларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим ва тарбия жараёни таъсирчанлигининг янада юксак бўлиши ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги обрўсига, шахсий сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов давлат ва жамият қурилиши Академиясининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида: “Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон аввало ўзи ҳар томонлама баркамол бўлмоғи шарт”. Замон талаблари: профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд бўлган билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, ҳорижий мамлакатлар тажрибасидан қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Педагогик фаолият самараси ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даражада шаклланганлигига ҳам боғлиқдир. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади деб таъкидлайди. Жумладан, билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, нутқ қобилияти, обрў ортира олиш қобилияти, муомала қила билиш қобилияти кабилар.

Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шаклланмайди. Бу касбни танлаган киши ўз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқиши, ўрганиши ва изланиши ижодий меҳнат қилиши, мустақил юртимизда бўлаётган воқеликни тез англаш ва ўз меҳнатини мамлакат учун қанчалик зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Юксак маҳоратли педагог учун энг аввало қобилиятли, малакали ва уддабурон бўлиши керак. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланишида истеъдоднинг ўрни беқиёсдир. Ана шундагина қобилият деб аталувчи руҳий хусусияти тараққий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун педагогда қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлиши лозим: билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик, нутқ, ташкилотчилик, обрў ортира олиш, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш қобилиятлари ва ҳоказо.

Маҳоратли педагог талабалар руҳиятини ва билим даражасини ҳисобга олади. Баъзи педагогларга ўқув материали тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади, бундай педагоглар талабаларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар.

Қобилиятли, тажрибали педагог ўзини талабанинг ўрнига қўя олади. У фанининг илмий-назарий асосларини талабаларга тушунтириш мақсадида иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг онгига, миллий ғоя ва мафкурага содиқлигига, билиш ва фикр доирасини кенглигига, ўз вазифасига, муносабатига эътибор бермоқ керак. Айниқса, педагогик маҳоратда ўқитувчининг фикр доирасини кенг бўлиши зарурлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки, кишида билим, фикр мукамал бўлмаса, у камолотга эриша олмайди. Дарҳақиқат, киши у ёки бу масалани, албатта фикр орқали ҳал этади.

Шунинг учун педагогик маҳорат соҳиби бўлишга, интилган киши, шубҳасиз ўз билимни доимо кенгайтириши, ўқувчи, талабага маънавий-ахлоқий таъсир этувчи ғоя ва фикрларни янгилаб бориши зарур. Бунинг учун кўп ўқиш, ўрганиш лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига баҳо

беришда уни таълимни қай даражада ташкил қила билиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Узлуксиз таълимда дарс ва маърузаларни мукаммал ташкил қилишни ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юқори савияда ўқитилган мавзулар ёшлар онгида узоқ сақланади, уларнинг иймон, эътиқоди ва мафкураларининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шу сабаб ўқитувчининг илмий савияси ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати, дастлаб дарс ва маърузаларида кўринади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарс ва маърузанинг сифати белгилайди.

Дарс бериш санъатини эгаллашда ўқитувчи уюштирган ўқув машғулоти, чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, эртанги кунга бўлган ишонч, ақл-заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб фуқароси ва қурувчиси бўлиши учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда биринчи навбатда ёшларимиз ўз мураббийлари дарсидан ҳар жиҳатдан мамнун бўлсинлар, уларда романтик орзулар уйғонсин, тафаккур ривожлансин, амалий фаолият, ижодий қобилият, ўқиш-ўрганиш ва меҳнатга ҳаваси кучайсин. Улар ўқув машғулотида сўнг олган баҳоларни эмас, балки билим ва малака ҳосил қилганликларини, маънавий озиқ олганликларини ҳис қилсинлар. Таълимнинг мазмундор, қизиқарли ва тушунарли бўлиши, устоз билан шогирдлар қалбини, руҳини бир-бирига мустаҳкам боғлайди, улар ўртасидаги самимий ҳурмат ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Бунинг учун ўқитувчи аввало ўз фанини ва ўқитиш йўл усулларини мукаммал ўзлаштириб олиши, ўқитувчи-мураббийга хос маданиятнинг юқорилиги, ўз шогирдларига ҳурмат ва муҳаббат, уларни ҳаётга қизиқтириш ва руҳий ҳолатларини билиш ва тушуниши, босиқлик ҳис туйғуларини бошқара олишлари, ташқи кўриниши, кийиниш маданиятига эътибор беришлари, нутқ маданиятининг юқорилиги, жамоат ишларида фаолликлари

айниқса, омма ўртасида илмий-маърифий ва маънавий-маданий ишлар тарғиботчилари бўлишлари лозим.

Шундагина мамлакатимизнинг келажаги бўлган ўқувчи-ёшларимиз ўз мураббийлари номини зўр эҳтиром, чуқур миннатдорчилик билан тилга оладилар. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонунида кўрсатилганидек, ўз фанлари бўйича тегишли маълумот эгаси, юксак ва касбий тайёргарлиги ҳамда юқори ахлоқий фазилат эгаси бўлишлари керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини ўрганишнинг назарий ва услубий йўлларини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини илмий-назарий таҳлил этиш, тарихий далиллар асосида Абдулҳамид Чўлпон фаолиятини юзага келтирган моддий-иқтисодий, педагогик омилларни янада чуқур ўрганиш, уларнинг миллий иқтисодиёт ҳамда таълим-тарбияни ривожига ўрни ва аҳамиятини ўрганишга доир келгусида фундаментал тадқиқотлар олиб боришни давом эттириш кераклигини кўрсатди.

2. Миллий давлатчилик ғоясининг муҳим асоси бўлган иқтисодиётни такомиллаштириш билан боғлиқ назарий масалаларни Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларининг тарихий, ижтимоий-иқтисодий асосларини чуқур таҳлил этиш, ундаги концептуал илмий ғояларни тарихийлик ва замонавийлик нуқтаи назардан давримизнинг янгиланаётган ижтимоий жараёнлар, янгича иқтисодий тафаккур билан уйғунлигини таъминлаш имконини беради.

3. Миллий иқтисодиётни тиклаш, ундаги таркибий ўзгаришларни модернизация талаблари асосида такомиллаштириб боришда Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларидаги муҳим назарий хулосаларидан фойдаланиш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

4. А. Чўлпоннинг жамият, миллат ва халқ ҳаётидаги муҳим соҳалар иқтисодий, ижтимоий, маърифий, сиёсий жараёнларни ислоҳ қилиш ҳақидаги назарий қарашларини, глобал ўзгаришлар шароитидаги ислоҳотчилик фаолиятига тадбиқ этиб бориш керак.

5. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириб бориш шароитида мамлакат қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаш, аграр ислоҳотларнинг илмий-назарий асосларини миллий менталитет талабларидан келиб чиқиб

мустаҳкамлашда А.Чўлпоннинг аграр ислоҳотлар ҳақидаги ғоялари, илмий қарашларидан узлуксиз ва танқидий равишда давр руҳига мослаб фойдаланиш лозим.

6. А.Чўлпоннинг савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги концептуал ғояларини илмий изчилликда мунтазам ўрганиб бориш, уни бугунги кун ижтимоий амалиётига қўллаш механизми услуб ва воситаларини шакллантиришга доир рисоалар, илмий-услубий қўлланмалар яратиш ҳамда савдо-тижорат соҳаси билан шуғулланувчи масъул шахслар, хизматчилар фаолиятига кенг тадбиқ этиш жоиз.

7. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик маданияти, ишбилармонлик фазилатларини кишилар руҳияти амалий фаолиятига сингдиришда А.Чўлпоннинг назарий ғоялари ва қарашларини омма орасида кенг тарғиб этувчи теледастурлар, рекламалар, видеороликлар мажмуини яратиш зарур.

8. Халқнинг моддий, маънавий турмуш шароити, фаровонлигини таъминлашнинг кафолати ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий, педагогик фаолиятни янада яхшилашга доир илмий-назарий хулосаларни шакллантиришда Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик қарашларидаги илғор ғояларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарур.

Ушбу хулосаларга асосланиб, Битирув малакавий ишида қуйидаги илмий таклифлар ишлаб чиқилган:

- Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғоялари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш;

- Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларига хос алоҳида адабиётлар чоп этиш;

- “Педагогика”, “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Иқтисодий тарбия назарияси”, “Маънавият асослари” фанларидан тайёрланган намунавий дастур ва маърузалар курсларига Абдулҳамид Чўлпоннинг ижтимоий-иқтисодий, педагогик ғояларини киритиш ва талабаларга ўргатиш;

- иқтисодиётимизда бозор муносабатларининг шаклланиб бориши муносабати билан ўрганилаётган бир қанча иқтисодий категориялар, атамаларнинг чуқур мазмунини очиқ беришда А.Чўлпон асарларидан ҳам илмий манбалар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қонулари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т: “Ўзбекистон”, 1997 й. 29 августъ.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т: 1997 й. 29 августъ.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. “Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси. 24-сон, 1998 йил, - 3 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни. “Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси. 24-сон, 1998 йил, - 5 б.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. “Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси. 4-сон, 1999йил, - 3 б.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Солиқ тўловчининг журнали. –Тошкент, 2004.-№10. – 7 б
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи газетаси. 2004 йил 23 январ. – 1 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Фармойишлари ва бошқалар

- 2.1. “Ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг янги авлодларини яратиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.
- 2.2. “2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими педагогик ва муҳандис-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш дастури” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлда “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Қарори.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги “ 2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжалиқларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

3.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.–Т.:Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

3.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. -Т.:Ўзбекистон, 1996. – 119 б.

3.3 Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

3.4. Каримов И. А. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т: “Ўзбекистон”. 1998 й.

3.5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.

3.6. Каримов И. А. “Баркамол авлод орзуси”. Т: “Шарқ” 1999 й.

3.7. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 186 б.

3.8.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 80.

4. Китоб, монография ва бошқалар

4.1. Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 272 б.;

4.2. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. - Т.: Маънавият, 2000. –Б. 7.

4.3. Валиев А.Х. Положения дехканства Ферганы в конце XIX – начале XX веков. – Т.: Госиздат УзССР. 1958. – С. 27.

4.4. Гулишамбаров С. Пловодство в мировом хозяйстве и участие в нем Росси вообще и Туркестана в частности. – Ташкент, 1912. – С. 33.

4.5. Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркистанского района Ч. 1-III – Санк-Петербург. 1913. – С. 244.

- 4.6. Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства и хлопковой торговли и промышленности. Изд. 2-с, Ташкент, 1926. – С. 56.
- 4.7. Динамика российской и советской промышленности. Т.1, - М., 1930. – С. 14-15, 180-181
- 4.8. Дмитрев А.И. Путеводитель по Туркестану и железным дорогам Среднеазиатской и Ташкентский. Изд. 8-е, Петербург., 1915, - С. 17-19.
- 4.9. Заорская В.В. и Александр К.А. Промышленные заведения Туркестанского края – Санкт-Петербург, 1915. – С.7;
- 4.10. Зиёев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси. - Т.: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000. -Б.199-200.
- 4.11. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш:(XVIII-XX аср бошлари) –Т.: Шарқ, 1998. - 480 б.;
- 4.12. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.:Маънавият, 2002. 400 б.;
- 4.13. Космочевский К.В. Организация хлопководческий хозяйств на орошаемых землях Туркестана. – М., 1922. - С. 71.
- 4.14. Куприкова Е.Н. Союз русского рабочего класса и туркменского трудового дехканства в период Великой Октябрьской социалистической революции и гражданской войны (1917-1920 гг.). – Ашхабад, 1960. - С.13.
- 4.15. Қуронов Д.Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. –Т.:Ўқитувчи, 1997. 80 б.
- 4.16. Масальские В.И. Богатства России – хлопок. – Санкт Петербург. 1921. – С. 7.
- 4.17. Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Т.: Ғафур Ғулум номидаги адабиёти ва санъат нашриёти, 1992. - Б. 80.
- 4.18. Немченко М.А. Динамика Туркестанского крестьянского хозяйства, - Полторацк (Ашхабад), 1926. – С.14.
- 4.19. Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – М., 1914. – С. 46.
- 4.20. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Приложение к отчёту. Санкт-Петербург. 1911. – С. 64.

- 4.21. Ризаев Ш. Жаид драмаси.–Т.:Шарқ, 1997.320 б.;
- 4.22. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией 40-60 е годы XIX в. - М.: Издательство АНСССР, 1963. – С. 45.
- 4.23. Современный кишлак Средней Азии (Социально экономический очерк). Вып IX. – Ташкент, 1927. – С.23.
- 4.24. Содиков Х. ва бошқалар. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000.-Б. 237.
- 4.25. Тўхлиев Н. Осиё ва бозор. - Т.: Фан, 1992.-Б.33
- 4.26. Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. - Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1993. -Б.75.
- 4.27. Федоров М.П. Хлопководство в Средней Азии. Санкт-Петербург 1898. – С. 215.
- 4.28. Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, таҳлили) –Т.: Фан, 2008. 180 б.
- 4.29. Чўлпон А. Асарлар. II жилд. -Т.: 1994.-Б.274.
- 4.30. Шарафиддинов О. Истиклол фидойилари. –Т.:Шарқ, 1993. 144 б.;
- 4.31. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркистанском крае – СПб, 1908. – С.206.
- 4.32. Шодмонов Ш., Гофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: , 2005. –Б. 625.

5. Мақолалар

- 5.1. Абдуллаев Р. Миллий –сиёсий ғоялар тарихидан // Инсон ва сиёсат. –Т.: 1991.- № 9. – Б. 87-94.;
- 5.2. Абдулхамид Сулаймоний. Андижонда янги банк // Ойна. 1914 йил 18 январь.
- 5.3. Алимова Д. Ҳақиқатнинг туташ манзили//Тафаккур- Т.: 2000.- № 2. –Б.
- 5.4. Фарғонада банк очмоқ // Садои Фарғона. 1914 йил 14 сентябрь.
- 5.5. Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик // Садои Фарғона. – 1914 йил 30 май.

- 5.6. Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик//Садои Фарғона. 1914 йил 29 апрель.
- 5.7. Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик// Садои Фарғона. – 1914 йил 30 апрель.
- 5.8.Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар//Садои Фарғона, 1914 йил 6 июнь.
- 5.9. Шамсуддинов Р. Жади́дчилик ҳақиқат ва уйдирма // Мулоқот.–Т.: 1991. - № 11.-Б. 19-20.

6. Диссертациялар

- 6.1. Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость(1917-1918 гг.): Дис... д-ра ист. Наук.- Т., 1996.-369 с.
- 6.2. Садыков Х.Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за национальную независимость в начале XX века. Дис... д-ра. ист.наук.- Т.,1994.-310с.
- 6.3. Ташматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. иқт.фан.докт. дис.-Т., 2006.-314б

7. Авторефератлар

- 7.1. Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: Борьба за свободу и независимость(1917-1918 гг.): Автореф.дис...д-ра.ист.наук.-Т., 1996.-62 с.
- 7.2. Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации в Туркестане. 1917-1918 гг: Автореф. дис...д-ра. ист. наук.-Т.,1998.-62с.
- 7.3. Шарафиддинов А. Социально-экономическая и культурная жизнь г.Андижана в конце XIX-начале XX вв: Автореф. дис...канд.ист.наук.-Т., 1980.-24с.

8. Хорижий адабиётлар

- 8.1. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Т. : Маънавият, 2001. – Б. 72;
- 8.2. Валидий (Тўғон) А.З.Хотиралар // Шарқ юлдузи. –Т.: 1993. - № 7-8-9. – Б. 164-178. ;

8.3. Исмоил Шайх ўғли Ш. Я. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари. – Истамбул: 1984. – Б. 173 (араб алифбосида)

8.4. Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёти ва санъат нашриёти, 1992. - Б. 80.

8.5. Tohir Gagatay. Kizil imperualizm. III.–Ankara: Ayyildiz matbaasi, 1967.-80 p;

9. Марказий давлат архиви маълумотлари

9.1. ЎзРМДА, 1 – жамғарма, 5 – рўйхат, 939 – иш, 13 – варақ.

9.2. ЎзР МДА, 105-И фонд 1-рўйхат 3-йиғма жилд 139-145 варақлар.

9.3. ЎзРМДА, 114-И фонд 1-рўйхат 1-йиғма жилд 14-15-варақлар.

9.4. ЎзР МДА, 114-И фонд 1-рўйхат 1-йиғма жилд 21-варақ.

9.5. ЎзР МДА, 114-И фонд 1-рўйхат 1-йиғма жилд 72-варақ.

9.6. ЎзР МДА, 114-И фонд 1-рўйхат 1-йиғма жилд 74-варақ.

10. Интернет сайтлари

10.1. www.ziyonet.uz –ўқув адабиётлари ва дарсликлар электрон сайти.

10.2. www.google.ru – Интернетнинг ахборот ресурс сайти.

10.3. www.pedagog.uz –Интернетнинг педагогика маълумотлари сайти.

10.4. www.tdiu.uz –Тошкент давлат иқтисодиёт университети расмий сайти.

11. Андижон иқтисодиёт коллежи меъёрий хужжатлари, ҳисоботлари ва маълумотлари.

ИЛОВАЛАР

